Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 117 (20. 684) • 1990 йил 23 май, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

КЎП УКЛАДЛИ ИҚТИСОДИЁТ САРИ

СССР Президенти, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачёв 21 май куни Кремлда ижара ва кооператив коллективларнинг аъзолари, оилавий ва деҳқон хўжаликларининг ходимлари, колхозлар, совхозлар, агросаноат комбинатлари, бирлашмалар ва бошқа тузилмаларнинг мутахассислари ва раҳбарлари, бир қанча саноат корхоналарининг вакиллари билан учрашди.

Кооперация ва ижара соҳасида тўпланган тажриба, олинган сабоқлар ва истиқболлар тўғрисида, иқтисодий ислоҳотни кучайтириш ва ижтимоий сиёсатни такомиллаштириш шароитида хўжалик юритишнинг янгича шаклларини янада ривожлантириш ҳақида батафсил, рўй-рост ва атрофлича фикрлашув бўлди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, Марказий Комитет секретарлари Е. К. Лигачев, А. Н. Яковлев, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. С. Строев, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Никитин, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари И. С. Белоусов, П. И. Мостовой, СССР Олий Совети комитетининг раиси А. Ф. Вепрев, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилиш аҳли ҳузурида М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Учрашув тўғрисидаги батафсил ҳисобот матбуотда эълон қилинади.

(ТАСС).

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди олдидан

Съезд минбарига

ИЖТИМОИЙ БУЮРТМА

Яқинда Москвада бўлиб ўтган ректорларнинг Бутуниттифоқ учрашувида СССР Президенти М. С. Горбачев олий таълим муаммолари ҳақида шундай деган эди: «Олий мактаб давлат иши, бундай ноҳуш воқеа рўй берганлигини эса кўп жиҳатдан марказий идораларнинг камчилиги, деб ҳисоблайман. Дарвоқе, сизлар ҳам қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши учун курашишингиз керак, албатта. Кимдир ниманидир зарҳаллаб келтириб беради, деб пойлаб ўтирмай, ҳаракат қилиш керак. Чунки ҳатто қарорлар чиқарилганидан кейин ҳам, улар амал қила бошлаши учун ҳам ақлий, ҳам амалий жиҳатдан барча поғоналарда катта ташкилотчилик ва хўжалик фаолияти билан зўр бериб шуғулланиш керак бўлади».

Ҳақиқатан шундай. Бугунги кунда олий мактаб олдида ўнлаб муаммолар кўндаланг бўлиб турибди. Уни бажариш эса ҳаммамизга ва ҳар биримизга боғлиқ. Афсуски, биз кўплаб қарор қабул қилишга берилиб, унинг ижроси ҳақида ўйламай қўйдик. Бу эса ишимизни янада чигаллаштирди.

Аввало мутахассислар тайёрлаш даражасига ёндашувни яхшилаш керак. Илмий қобилиятли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ғамхўрликни кучайтириш зарур деб ҳисоблайман. Бу борада олий мактаб соҳасида ҳозирги бурилиш босқичига мос келадиган сиёсат юритиш зарур. Ўзбекистон Компартияси XXII съездида бу масалага алоҳида эътибор берилишини истайман.

Шу билан бирга халқ таълимини давлат маблағлари билан таъминлаш даражасини сақлаб қолиш зарур. Яна бир муаммо. Таълимга маблағ сарфлаш ғоят нафли, бироқ ана шу маблағлар дарҳол самара беришини талаб қилиш ўнғайсиздир. Олий ўқув юртлари билан Фанлар академияси ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш керак.

А. НОРМУҲАМЕДОВ,
Тошкент машинасозлик институти доценти, тарих фанлари номзоди.

⊙ Жиззах область, Октябрь районидаги «Уч қаҳрамон» совхозининг илғор пилакори София Турсунмуродова бу йил бир қути қурт уруғини меҳр билан парвариш қилди. Унинг нияти — пландаги 45 килограмм ўрнига 90 килограмм ҳосил топшириш.
У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

ДЕҲҚОНЧИЛИК САНОАТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Қўриқ У. Юсупов райони «кумуш тола» ижодкорлари Қашқадарёда биринчи бўлиб давлатга пилла топшириш план ва мажбуриятларини ошириб бажардилар. Уларнинг шу кунгача эл хирмонига тўккан пилласи пландаги 13 тонна ўрнига 15 тоннадан ҳам ошиб кетди.

Қўлга киритилган муваффақиятга Калинин номли, Ульянов номли, Автономов номли ва Тошкент совхозларининг пиллакорлари катта ҳисса қўшдилар. Мазкур хўжаликларда давлатга пилла топшириш қизғин давом этмоқда.
М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Сирдарё районида давлатга ҳозирга қадар ярим йиллик пландаги 25 минг дона ўрнига 32 минг дона тухум сотдилар. Бу ўтган йилнинг шу даврдагисидан 17,2 минг дона кўпдир. Бунда Ислом Болиев бошлиқ оилавий звено аъзоларининг ҳиссаси катта.

Колхоз паррандабоқарлари йил охиригача давлатга яна 38 минг дона тухум топширишга аҳд қилганлар.
Қ. ҲОЖИЕВ.

Маданий мерос—бойлигимиз

ОШКОРАЛИК ДАВРИ

Биз узоқ йиллар мобайнида маданий мерос ва ўзбек халқининг тарихидан узилиб қолдик. Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Усмон Носирлар фаолияти ўқитилмади, адабиётимиз саҳифаларидан олиб ташланди. Улар ҳақида гапирган, илмий ишлар ёзганларга миллатчи деган тамға босилди, бегуноҳ жазоланди.

Мактабларда ўзбек халқининг тарихини ўқитишга етарли эътибор берилмади, миллатимиз босиб ўтган улкан тарихга 2—3 саҳифа ажратилди, холос. Асосан СССР тарихини ўргатишга зўр берилди. Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди тарихимизда йўл қўйилган қора доғларни тозалашга кўмаклашиши, бор нарсани рўйрост кўрсатиши ва айтиши зарур деб ҳисоблайман.

Тил — бу миллат кўзгуси. Тил йўқолса, миллат ҳам йўқолади. Шунинг учун Давлат тилини турмушга татбиқ этиш айрим зиёлиларнинг иши эмас, балки барчамизнинг, партия ва совет ташкилотларининг муқаддас бурчидир. Баъзи ташкилотларда маблағ йўқлигини рўкач қилиб, идораларидаги паннолар, лавҳалар ҳам алмаштирилгани йўқ. Тошкент шаҳар кенгаши бу борада ташаббускор бўлиши керак эди. Ҳатто ўзи ишлаб турган бино биринчи қаватидаги ёзувларнинг бирортаси ўзгартирилмаган.

Яқинда ТошДУ ҳуқуқшунослик факультетини битирган бир гуруҳ талабалар жумҳурият прокуратурасига ишга ўтиш учун суҳбатда бўлишди. Имтиёзли диплом билан битирганлигига қарамай талабалар суҳбатдан ўтолмади. Сабаби, талабалар билан ўзбек тилини билмайдиган кишилар суҳбат олиб борган. Наҳотки шундай катта муассасада талабалар билан суҳбат ўтказадиган ходим топилмаса!

Давлат тилини амалга ошириш борасида камида ҳафтада бир марта ойнаи жаҳонда доимий равишда кўрсатув ташкил қилинса, қонунни бажаришни пайсалга солаётган ташкилот раҳбарлари ошкора танқид қилиниб, халқимизга хабардор қилиб турилса, яхши бўлар эди.

У. АМЕРОВ,
тарих фанлари номзоди.

ТАССНИНГ ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР:

ЯНА СОЛИҚ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Советининг учинчи сессияси яна белгилаб қўйилган режа доирасидан чиқиб кетди. Депутатлар тахминан бир ҳафта кечикишмоқда. СССР Олий Советининг Раиси А. И. Лукьянов 21 май куни палаталарнинг қўшма мажлисини очиш чоғида шуни қайд этиб ўтди.

Биринчи бўлиб сўзга чиққан СССР Министрлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Л. И. Абалкиннинг фикрича, бундай кейин кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишда кечикишлар бир-бирига уланиб кетишига олиб боради. Агар ушбу сессияда депутатлар муҳокамасига тақдим этилган «Давлат, ижара, кооператив, жамоат ва ўзга корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқ тўғрисида»ги Қонун қабул қилинмаса, у ҳолда келгуси йил учун мамлакат плани ва бюджетини ишлаб чиқиш тўхтаб қолади.

Депутатлар қонун лойиҳасига биринчи бор мурожаат қилаётганлари йўқ. Қонун муаллифларининг фикрича, у мулкчиликнинг турли шаклларини ривожлантириш учун тенг имкониятлар, умуман иқтисодиёт учун, шунингдек унинг айрим бўлаклари учун барқарор молиявий базани вужудга келтиради.

Баъзи депутатлар солиқ солиш масалаларини улгуржи нарх белгилашни ислоҳ қилиш билан, иқтисодиётни соғломлаштиришнинг бошқа тадбирлари билан боғламай жиддий кўриб чиқиш мумкин эмаслигини таъкидладилар. Улар ҳукуматнинг яқин кунларда қилинадиган маърузасидан сўнг ушбу Қонунга қайтишни таклиф қилдилар. Ҳозирча эса ҳужжат устидаги ишни давом эттириш учун СССР Олий Совети барча комитетлари ва комиссиялари вакилларидан келиштириш комиссиясини тузишга қарор қилинди.

Депутатлар СССР Президентига тааллуқли ҳужжатларни муҳокама қилишга қайтдилар, улар бу ҳужжатларни аввалги ҳафтада кўриб чиққан эдилар. СССР Олий Советининг «СССР Президентини таъминлаш, хизмат қилиш ва кўрилган тўғрисида»ги қарори лойиҳасини план-бюджет ва молия ҳамда меҳнат, нарх ва ижтимоий сиёсат масалалари комиссияларидаги, халқаро ишлар ҳамда мудофаа ва давлат хавфсизлиги масалалари қўмиталаридаги турли соҳа мутахассислари ишлаб чиққанлар. Давлат бошлиғининг СССР Конституциясида белгилаб қўйилган ваколатларини самарали амалга ошириш мақсадида уни давлат йўли билан таъминлаш ва хизмат қилиш белгилаб қўйилди. Хусусан, солиқ солинадиган ойлик иш ҳақи 4 минг сўмни ташкил этади, Москва вилоятида ва Кримда боғоқ, Москвада хизмат квартираси, махсус жиҳозланган самолётлар ва вертолётлар, махсус автомобиль транспорти бериб қўйилади, уни кўриқлаш СССР Давлат хавфсизлиги комитети зиммасига юклатилади. Қарорга мувофиқ, 1991 йилдан бошлаб Министрлар Кенгаши СССР Давлат бюджетида Президент фаолиятини пул билан таъминлашга тааллуқли махсус моддани кўзда тутади.

«СССР Президентининг шани ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунни ва уни кучга киритиш ҳамда қўлланиш тартиби тўғрисидаги қарорни муҳокама қилиш чоғида депутатлар «ҳақоратлаш», «туҳмат» ва «таҳқир» тушунчаларини аниқ таърифлаб бериш зарур, деб ҳисобладилар. Ҳужжатларни пухтароқ ишлаб чиқиш натижасида ана шу тушунчалар изоҳлаб берилди, бу изоҳларга мувофиқ Президентнинг шани ва қадр-қимматини ножўя иборалар билан атайлаб камситиш уни ҳақоратлаш, деб ҳисобланади. Президентга доғ туширувчи ёлғон ўйдирмаларни атайлаб тарқатиш унга туҳмат қилиш ҳисобланади. Давлат бошлиғининг фаолияти тўғрисида, шунингдек унинг раҳбарлигида ўтказилаётган сиёсат ҳақида танқидий мулоҳазалар билан очиқ чиқишга нисбатан ушбу қонун қўлланилмайди.

СССР Президентини ҳақорат қиладиган ёки унинг шанига туҳмат ёғдирадиган материалларни эълон қилган оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидение программалари ҳақорат ва туҳматга йўл қўйган шахсларга нисбатан суднинг айблов ҳукми кучга киргандан сўнг жавобгарликка тортилиши мумкин.

Депутатлар ушбу ҳужжатларни қабул қилар эканлар, Президентга нисбатан «туҳмат» ва «ҳақорат» тушунчаларини аниқлаш чоғида ҳеч қандай имтиёзли талқин бўлмаслиги керак, деб таъкидладилар. Бу тушунчалар мамлакатнинг барча гражданлари учун баб-баравардир.

Маълумки, энг мукаммал Қонун ҳам фақат амал қилса яхши бўлади. Давлат солиқ инспекцияси солиқ солишнинг янги системаси амал қилишини таъминлаши керак. Кечқурунги мажлисда уларнинг ҳуқуқлари, бурчлари ва масъулияти тўғрисидаги Қонун, қонунни кучга киритиш тартиби тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ю. ВОРОБЬЕВСКИЙ,
Л. ЕРМАКОВА,
С. ЖАРКОВ.

Касаба уюшмалари Андижон вилояти кенгаши президиуми ишчи назорати фаолиятига тўсқинлик қилганлиги учун маданий-хўжалик моллари базаси директори А. Ҳамидовни касаба уюшмаси аъзолигидан чиқарди.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАЁТИ: ИШЧИ НАЗОРАТИ

ШУ КУН ТАЛАБИ

Андижон шаҳар касаба уюшмаси доирасида мингга яқин киши назоратчига жалб этилган. Улар савдо, маиший хизмат, транспорт ва бошқа соҳаларда одамларга қандай хизмат кўрсатилаётганини мунтазам текшириб турибдилар. Одамлар ҳақига хиёнат қилиш, уларни алдаш, қайтимидан ўшлаб қолиш ҳолларига қарши вақт-вақти билан рейдлар ўтказилмоқда.

Шуларга қарамай аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида, айниқса савдода алдашлар сира ҳам камаяётгани йўқ. Хўш, нима учун шундай бўляпти?

Яқинда Андижон шаҳридаги маданий-хўжалик моллари базасида бўлиб ўтган кўнгилсиз воқеадан ана шу саволга муайян даражада жавоб топиш мумкин. Меҳнаткашларнинг талаблари ишчи назорати аъзолари — Агросаноат комплекси ходимлари Андижон шаҳар касаба уюшмаси раиси Маҳаммаджон Жалолов, котиб Баҳромжон Қурбонов бошлиқ бир гуруҳ текширувчиларнинг бу ерга келишига сабаб бўлганди. Нима учун чет эл гарнитурлари магазинларда кўринмайди? Танқис моллар шаҳар меҳнаткашларига қай тариқа тақсимланяпти?

Текшириш олдидан кутилмаган ҳол юз берди. База директори Адҳамжон Ҳамидов меҳмонларни совуқ қарши олди.

Группа бошлиғи ишчи назорати аъзоси деган ҳужжатни кўрсатди. ВЦСПСнинг шу ҳақда қабул қилинган қарорини ҳам эслатди. Бу қарорнинг моҳияти шундан иборат эдики, унда аҳолига савдо хизмати кўрсатишдаги турли юлғичликларга, ошириб сотишларга ва бошқа кўринишдаги салбий ҳодисаларга қарши курашда касаба уюшмалари қошидаги ишчи назоратига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, кенг иш фронти яратиб бериш таъкидланганди.

Мана шуларга қарамай, база директори А. Ҳамидов ишчи назорати аъзолари ҳафсаласини пир қилди.

— Базада текшириш ўтказиш тўғрисидаги махсус ҳужжат бўлмагунча бу ерга кирмайсизлар. Гап тамом-вассалом.

Ишчи назорати аъзолари «расмиятчи» бошлиққа гап уқтириш бефойда эканлигини билганларидан кейин орадан икки кун ўтгач, яна базага келдилар. Бу safар уларнинг қўлида касаба уюшмалари Андижон вилояти кенгаши раҳбариятининг махсус руҳсатномаси бор эди.

Ишчи назорати аъзоларини текшириш объектига асосиз баҳоналар билан киритмаганлиги ва текширишни барбод этганлиги учун А. Ҳамидов масаласи касаба уюшмалари вилоят кенгаши президиумига қўйилди. Унинг хатти-ҳаракати президиум аъзолари ва таклиф этилганлар томонидан мутлақо нотўғри, раҳбарликка яраш-майдиган ҳол, деб топилди.

Айтмоқчимизки, айрим манмансираган раҳбарларнинг ўзбошимчалиги, халқ вакилларини назар-писанд қилмай муомала қилиш энди кетмайди. Ҳозир бутунлай бошқача давр — қайта қуриш даври. Шуни сира унутмаслик керак.

М. ИБАЕВ.
Касаба уюшмалари Андижон вилояти кенгашининг матбуот бўлими мудири.

• Ён қўшним—жон қўшним

● Ҳозирги вақтинчалик иқтисодий танглик даврида бир халқнинг иккинчи бир халқни қўллаб-қувватлаши — дўстлик, қардошлик ва ҳамкорликнинг чинакам намунасидир. Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов билан Қозоғистон ССР Президенти Н. А. Назарбоевнинг ўзаро мулоқотлари асосида яқинда Ўзбекистон ССРнинг Тошкент области билан Қозоғистон ССРнинг Чимкент области меҳнаткашлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида тузилган шартнома бунга ёрқин мисол бўла олади.

ҚАРДОШЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Тошкент ва Чимкент область Советлари ижроия комитетларининг раислари С. Сайдалиев билан М. Карбоев имзолаган бу шартномага мувофиқ икки қўшни область айни шу қайта қуриш давридаги иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий соҳаларда ўз тажрибаларини ўртоқлашадилар. Шунга кўра ана шу ҳар икки область шаҳарлари ва районларидаги ўхшаш корхоналар меҳнат коллективларининг ҳар томонлама ўзаро фойдали ҳамкорлиги равнақ топади. Бу айни вақтда биргаликда корхоналар барпо этиш, кадрлар тайёрлаш, доимий сурватда мутахассислар гуруҳини алмаштириш, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини янада ошириш имконини беради, савдо-сотиқни ривожлантиради. Саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини айрибошлаш кучайтирилади. Энг муҳими — Чимкент области Тошкент области ва Тошкент шаҳри аҳолисига гўшт ва сут маҳсулотлари етказиб беришни, Тошкент области эса Чимкент области ва Чимкент шаҳри аҳолисига сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари ва картошка етказиб беришни кўпайтирадилар.

Шартномага биноан, жумладан Чимкент областининг Сариоғоч районида икки область аҳолисини эртаки сабзавот ва картошка билан таъминлайдиган хўжалик тузилади.

Чимкент области хом ашёси базасида Тошкент области ускуналари билан жиҳозланган ғишт заводи қурилади. Тошкент областида эса мўйнали кийимлар тайёрлайдиган фабрика барпо этилади. Ҳамкорликда чўян буюмлар ишлаб чиқарадиган қуюв цехи яратилади.

Шунингдек илмий муассасалар ва конструкторлик ташкилотларининг иш тажрибаларини, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ноширлик ходимларининг илғор иш услубларини ўзаро ўртоқлашишга кенг йўл очилади. Саноат ва спорт соҳасидаги алоқаларни кенгайтиришга, болаларни соғломлаштириш тадбирларини биргаликда амалга оширишга эришилади.

Шартномада таъкидланишича, партия, совет органлари, касаба союз, комсомол ташкилотлари, идеология муассасалари ходимларининг меҳнаткашларни байналмилал, халқлар дўстлиги, икки қардош халқ анъаналари руҳида тарбиялашга оид ҳамкорлигига алоҳида эътибор берилди.

Шартномага унда белгиланган вазифаларни адо этиш муддатлари ва бошқа бир қатор кўрсатмалар баён этилган тадбирлар илова қилинган.

Қардошларча ҳамкорлик шартномаси беш йил муддатга тузилган бўлиб, у имзоланган кун — 18 майдан эътиборан кучга кирди.

«Ён қўшним—жон қўшним» нақлини дилга жо қилган ҳар иккала область меҳнаткашлари ҳозирданоқ амалий ҳамкорликни кучайтириб юбордилар.

Т. АЛИМОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ТАЖРИБАЛАР УМУМЛАШТИРИЛАДИ

Мамлакат деҳқончилик-саноат комплекси ахборот хизматлари ҳамкорлигини таъминлашга, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда эришилган илғор тажрибанинг мумкин қадар тезроқ жорий этилишига қандай эришиш мумкин? Фан-техника ахбороти ягона системасини ривожлантириш муаммолари ва истиқболларига бағишланган Бутуниттифоқ семинар-кенгаш иштирокчилари бу саволларни республикамиз деҳқончилик-саноат комплекси миқёсида муҳокама қиладилар. Семинар-кенгаш 22 май куни Тошкентда ўз ишини бошлади.

Фан-техника ахбороти жумҳурият, вилоят фан-техника марказлари ва бюроларининг, илмий муассасаларнинг, ахборот ва техник-иқтисодий тадқиқотлар Бутуниттифоқ тармоқ институтларининг вакиллари икки кун мобайнида турли даражалардаги бўлимлар ҳамкорлигини яхшилаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ахборот билан таъминлаш, патент-лицензиялар бериш иши сифатини ошириш учун ўз фаолиятларининг асосий йўналишларини ишлаб чиқишлари лозим.

Кенгаш иштирокчилари «Узинформагропром» жумҳурият фан-техника ахбороти марказининг фаолияти билан танишадилар.

(ЎзТАГ).

Адолатни тиклаш йўлида

21 май куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети 40-йилларнинг охири — 50-йилларнинг бошларида ВКП(б) Марказий Комитетининг «Звезда» ва «Ленинград» журналлари тўғрисида»ги қарори асосида қабул қилган баъзи қарорлари билан боғлиқ материалларни ўрганиш комиссиясининг мажлиси бўлди. Бу қарорни КПСС Марказий Комитети 1988 йилда хато қарор сифатида бекор қилган эди. Мажлисни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Ж. Ҳ. Ҳамидов олиб борди.

Мажлисда қилинган ишларнинг баъзи якунлари кўриб чиқилди, комиссиянинг бундан кейинги фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Комиссия ўз хулосаларининг бир қисмини Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди арафасида эълон қилиши мумкин, деган қарорга келинди.

(ЎзТАГ).

ГАЗЕТАМИЗДА:

⊙ ВАТАНИМИЗДА:

Иқтисодий ислоҳотни кучайтириш ва ижтимоий сиёсатни такомиллаштириш шароитида хўжалик юритишнинг янгича шаклларини ривожлантириш— бугуннинг асосий вазифаси

(Кремлда деҳқончилик саноати ходимлари билан учрашувда ҳамда СССР Олий Советининг учинчи сессиясида шу мавзу муҳокамасининг асосини ташкил этди) — 1-БЕТ

⊙ ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА:

Дўстлик ва қардошлик ришталари янада мустаҳкамланаверсин

(Тошкент ва Чимкент областлари ўртасида амалий ҳамкорлик ҳақида шартнома имзоланди) — 1-БЕТ

Сўз ва иш бирлигини таъминламай туриб, партиянинг жамиятдаги обрўсини, унинг етакчилик мавқеини мустаҳкамлаб бўлмайди

(Область партия конференцияларида бу фикр алоҳида таъкидланаётир) — 2-БЕТ

Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши муносабати билан турли соҳалар бўйича атамалар эълон қилинмоқда

(Тиббий атамалардан намуналар) — 3-БЕТ

Собиқ жангчи ўз халоскорини миннатдорчилик билан тилга олади

Ажал комидан эсон-омон қайтиб...

(Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ҳақида лавҳалар) — 4-БЕТ

⊙ ХОРИЖДА:

Америка Қўшма Штатлари СССР Президентини қутиб олишга қизғин тараддуд кўрмоқда — 3-БЕТ.

Область партия конференцияларида

⊙ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ БОШЛАНИШИ ОЛДИДАН УЧ НАФАР ДЕЛЕГАТ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИК.

«СИЗГА СЎЗ БЕРИЛСА, КОНФЕРЕНЦИЯ МИНБАРИДАН ТУРИБ НИМАЛАР ҲАҚИДА ГАПИРАРДИНГИЗ?» ДЕГАН САВОЛИМИЗГА УЛАР ҚУЙИДАГИЧА ЖАВОБ БЕРИШДИ:

Қ. ДАУЛЕТЯРОВА, **Чимбой районидаги «Кенес» совхози сут соғувчиси:**

— Агар сўз берилса, хотин-қизлар меҳнат шароитларини яхшилаш масаласини кўтараман. Ахир, бизга осон эмас. Уйда бола тарбияси, рўзғор юмушлари, турмуш ўртоғинг кайфиятига қараш, чорва фермасидаги ноқулай иш шароити... Шулар билан бўлиб ўзимизга қарашга ҳам вақт тополмаймиз.

Й. ТУРДИБОЕВ, **Оқчалоқ газ қувури бошқармаси инженери:**

— Оролбўйи аҳолиси ўткир муаммоларини ҳал этишга сўз камроқ, амалий иш натижалари кўпроқ бўлиши зарурлигини ҳаётий далиллар билан изоҳлашга уриниб кўрардим. Ваҳолонки, ҳозир партия ва ҳукуматнинг экологик вазиятни яхшилаш хусусидаги қарорлари суст бажарилмоқда.

Ҳ. САРСЕНБАЕВА. **Тўртқўл шаҳридаги Титов номли мактабнинг методист ўқитувчиси:**

— Минбар тегса, айтадиган гапим тайёр. Биз ўқитаётган ўғил-қизлар — жамиятнинг келажаги. Истиқболни юзага келтириш шуларга боғлиқ. Бироқ мактаб ислоҳоти дуруст амал қилмаяпти. Ўқув кабинетлари жиҳозланмаган. Билимдон, уқувли кадрлар тайёрлаш учун шароит етарли эмас. Машғулотлар уч сменада олиб борилмоқда. Бу аҳволда ўқув-тарбия ишларининг сифати ҳақида нима ҳам деб бўларди.

Дарҳақиқат энди масалалар очиқ-ойдин, кескин қилиб қўйиладиган бўлиб қолди. Мамлакатимизнинг ҳамма еридаги сингари Қорақалпоғистонда ҳам аҳолининг қалби уйғонди. Юқоридан бериладиган буйруқ ва кўрсатмалар, топшириқ ва тасдиқланган номзодлар муҳокамасиз, кўр-кўрона, аввалгидек «якдиллик билан» қабул қилинаётгани йўқ. У вақтлар энди ўтиб кетди. Тўпланиб қолган муаммолар эскича ишлаш, амал-тақал қилиб яшаш мумкин эмаслигини кўрсатиб турибди. Бунинг устига мавжуд аҳволни ўнглаш учун тайёр андозалар йўқ. Уларни ўзимиз — ҳар бир киши, жамоа аҳли, ҳар бир миллат ва элат чуқур идрок этган ҳолда ҳал этишимиз, ўтмиш хатоларидан сабоқ чиқариб, ҳозирги мураккаб вазиятни зийраклик билан назарга олишимиз, шу тариқа тараққиёт йўлларини ишлаб чиқишимиз керак.

Лекин ҳозирги мавжуд аҳволни ўнглаш учун ҳали кўп иш қилиш лозим. Қорақалпоғистон коммунистлари конференцияси кун тартибига қўйилган масала — қайта қуришнинг бориши ва асосий йўналишлари, мухтор жумҳуриятни ижтимоий-сиёсий, социал иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожлантириб боришда вилоят партия ташкилотининг вазифалари манфаатдорлик билан муҳокама этилди. Вилоят партия комитетининг ҳисоботи КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури, партия Устави лойиҳалари билан бирга муҳокама қилинди. Коммунистлар КПСС Марказий Комитетининг Очиқ хатини ҳам эътибордан четда қолдирмадилар.

Инсон манфаатларига хизмат қиладиган ижтимоий-иқтисодий сиёсат вилоят партия комитетининг ҳамиша диққат эътиборида бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади, — деди докладчи С. Д. Ниетуллаев.—Вилоят партия комитети иқтисодий сиёсат ва иқтисодий-ижтимоий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш масалалари билан умуман шуғулланмаслиги керак, деб ҳисобловчилар фикрига тамоман қаршидир. Баъзи коммунистлар шуни билиб қўйишлари керакки, бу соҳадаги ноҳаётий мулоҳазалар партияни сиёсий жиҳатдан ўлимга маҳкум этишдан бошқа нарса эмас.

Конференцияда содир бўлаётган ўзгаришлар ҳақида оз гапирилди. Лекин шу гапнинг тагида ҳам чуқур маъно уфуриб турди. Ўлка сиёсий мустақиллиги, мухтор жумҳуриятнинг суверенитетини таъминлаш масалалари кўламли ҳал қилина бошлади. Ҳисобот даврида Тошкент шаҳрида Қорақалпоғистон вакиллиги иш бошлади. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўзбекистон ССР ваколатхонаси таркибида Қорақалпоғистон вакили фаолият кўрсатишга киришилади.

Бироқ ҳаёт янги-янги масалаларни тиғиз қилиб қўя бошлади. Эндиликда Оролбўйи билан боғлиқ қарорларда кўзда тутилган тадбирлар етарли эмаслиги маълум бўлиб қолди. Аниқ бир хулосага келиндики, бир вақтнинг ўзида социал-иқтисодий масалаларни ҳал этиш билан денгизни сақлаб қолишнинг иложи йўқ. Денгиз масаласи алоҳида ҳал этилишга муҳтож. Бу Ўрта Осиё табиий-иқлим шароитида эплаб бўлмайдиган даражага етди. Денгизга бошқа минтақалардан сув олиб келиш зарурати ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам табиий эҳтиёжлар нуқтаи назаридан авж нуқтасига чиқди. Ҳозир Орол ҳақида гап кўп, амалий иш оз. Йиғилишлар ўтказиш, шанбаликлар ташкил этиш, қалам ҳақини Орол фондига ўтказиш билан денгиз тўлиб қолмайди.

Кадрлар масаласи делегатларда катта ташвиш уйғотди. Қорақалпоғистон АССР Давлат телевидениеси ва радио эшиттириш комитетининг раиси У. Хўжаназаров қизиқ қиёслаш билан ўз фикрини аниқ ифодалади. Элда ажиб нақл бор, деди делегат. Унда айтилишича, бир йилда ҳосил олмоқчи бўлсанг — ғалла эк, ўн йилда баҳраманд бўлай десанг — мева кўчати ўтқаз, агар одамларни тарбияламоқчи бўлсанг — юз йил аввал ҳаракатингни қил. Эртани ўйлаб, кадрлар тарбияси билан астойдил шуғулланишимиз лозим.

Бир сўз билан айтганда, кадрлар — партия комитетлари фаолияти самарадорлигини оширишда ҳал қилувчи роль ўйнайди, деб таъкидлади мухтор жумҳурият Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг раиси Т. Қаипбергенов. Вилоят партия комитетининг бюро аъзолари Т. А. Ешимбетова ва Ю. А. Журбин шанига қаттиқ танқидий фикр айтмоқчиман. Улар кадрлар билан ишлашни яхшилашда шахсий намуна кўрсатаётганлари йўқ. Танқидга тан бермайдиган одат чиқаришди. Ўртоқ Ешимбетовани танқид қилсанг, бир аёлни қўйсанми-йўқми, деб араз қилади. Ўртоқ Журбинга талаб қўйсанг, маҳаллийчиликда айблайди. Бироқ уларнинг мухтор жумҳурият кадрлар сиёсатидаги нуфузи бизни қониқтираётгани йўқ.

Коммунистларни КПСС Устави талаблари асосида тарбиялашда жиддий нуқсонлар бор. Вилоят партия ташкилотининг тафтиш комиссияси докладида коммунистлардан аъзолик бадаллари олишга район партия комитетларининг назоратини кучайтириш таъкидланди. Маълум бўлишича, аъзолик бадалларини коммунистлар ишлаб топган барча манбаларни ҳисобга олган ҳолда тўламаслик деярли барча районларга хос нуқсон бўлиб қолган. Масалан. Шуманай районида аъзолик бадаллари 4,1 минг сўм кам олинган. Бундай тартиб коммунистлар орасида партия интизоми бўшашувига олиб келади.

Мухтор жумҳурият раҳбарияти ўтган йили Ашхобод, Олмаотага бориб, қўшни жумҳуриятлар билан фойдали алоқалар ўрнатди. Қорақалпоғистонда қозоқлар, туркманлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Ҳозир Туркманистон, Қозоғистонда шу миллатга мансуб кишиларни олий ўқув юртларида ўқитиб бериш амалий жиҳатдан ҳал этилди. Қорақалпоғистонда яшаб турган туркман ва қозоқ йигит-қизларидан юзлаб ёшлар қўшни жумҳурият олий ўқув юртларида таҳсил кўрмоқда. Бу билан миллатлараро муносабатларни фаоллаштириш сари ҳам қутлуғ қадам қўйилди.

Вилоят партия ташкилотининг иш услубини такомиллаштириш хусусида жиддий мулоҳазалар билдирилди. Нукус шаҳар партия комитетининг биринчи котиби У. Кунназаров ҳисобот докладида кадрларни тарбиялаш масалалари чуқур таҳлил этилмаганлигини таъкидлади. Кадрларга талабчанлик етарли эмас. Вилоят партия комитети ўз иш услубини тубдан таҳлил қилиб, аниқ йўналишни белгилаб олиши, бунда новаторлик кайфиятлари устун қилиб қўйилиши керак. Кадрларда топширилган иш учун масъулият суст. Бирон янгилик қилиш учун ҳадиксираб туриш кадрларнинг кўпчилигига хос. Бундай ёмон кайфиятнинг олдини олиш керак.

Чиндан ҳам ҳамма нарсани кадрлар ҳал қилади. Кадрлар билан ишлашдаги аҳволни тубдан ўзгартириш, янгича фикрловчи кадрлар фаолиятини муттасил рағбатлантириб бориш, сайлаб қўйилган партия фаолларининг ҳар бири ўз атрофига ишчиларни, деҳқонлар, чорвадорларни, маҳаллий зиёлиларни кенг жалб этиши керак. Ана шунда партия аппарати кенг омма билан ишчан алоқа боғлай олади. Ахир, қуш ҳам қаноти билан олис-олисларга парвоз қилади.

Конференцияда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. Д. Берков нутқ сўзлади.

Конференцияда вилоят партия комитети биринчи котиблигига муқобил тарзда уч номзод кўрсатилди. Яшириб овоз бериш натижаларига кўра, С. Д. Ниетуллаев — вилоят партия комитетининг биринчи котиби, В. Ю. Зорин — иккинчи котиби бўлим мудири, А. Тожибоев, Қ. Режепов, Д. Н. Шамшетов котиб — бўлим мудирлари этиб сайландилар.

Делегатлар конференцияда Қорақалпоғистон партия ташкилотининг раҳбар органларини сайладилар, юқори партия органлари таркибига номзодлар тавсия этдилар, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездига ва КПССнинг XXVIII съездига делегатлар сайладилар.

Конференция ишида КПСС Марказий Комитети партия қурилиши ва кадрлар билан ишлаш бўлими сектори мудирининг ўринбосари Г. Т. Сташкевич, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Олий Совети экология ва хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш комиссиясининг раиси Қ. Саликов иштирок этдилар.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ,
Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

• ҚҚАССР

ҚУШ ҚАНОТИ БИЛАН УЧАДИ

⊙ Съездга тайёргарликнинг таркибий қисми
⊙ Танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида

● Жумҳуриятимиз иқтисодий, ижтимоий ва маффкуравий жабҳаларда жойида тўхтаб қолгани йўқ. Аксинча, ижобий ўзгаришлар туфайли олдинга қараб ҳаракат қилмоқда. Одамларнинг кайфияти, шароити, меҳнати билан боғлиқ масалаларда катта ишлар қилинаётгани яққол кўзга ташланиб қолди. Лекин баъзи жойларда гоҳи-гоҳида отилиб турган «вулқонлар» — норозилик, ур-йиқит, низолар ана шу ишларга соя ташламоқда.

Шу боисдан вилоят партия конференцияси бутун аҳволни чуқур, принципиал таҳлил этиши, партия нинг тақдирини ўйлашни ҳар бир кишининг кўнглига солиши, жипслик, аҳиллик ҳамкорликни таъминлаши, эртанги куннинг munaввар йўлини белгилаб олиш учун имкон яратиши зарур эди. Хўш, Самарқанд вилояти коммунистларининг катта йиғилишида ана шунга эришилдими?

ХАВОТИРЛИК. «Биз конференция делегатларига вилоятнинг айрим районларида ҳокимият учун кураш борганини айтмоқчимиз. Агар ана шу кураш очиқ олиб борилганида эди, унга ҳеч ким қарши чиқмас эди. Лекин партия ахлоқи ва нормаларига зид бўлган усуллар — маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, уруғ-аймоқчилик кўринишлари ҳам намоён бўлди. Биринчи ўринга иш манфаатлари эмас, балки шахсий нафсониятлар қўйилди. Бу ҳол, айниқса, Большевик, Оқдарё, Пастдарғом, Каттақўрғон район партия конференцияларида кўзга яққол ташланди».

Бу сатрлар вилоят партия комитети биринчи котиби П. М. Абдураҳмоновнинг конференциядаги нутқидан олинди. Доклад эса делегатларга тарқатилганди. Конференция иш бошлаган куни вилоят партия комитети биноси ёнида эса турли плакатлар кўтариб олган ёшлар туришарди. Кўп ўтмай «Мен очлик эълон қиламан», деган плакат ҳам пайдо бўлди. Нега вилоятда бундай вазият вужудга келди?

Бундан олдинроқ Пахтачи районида одамлар райкомнинг бюро аъзолари истеъфо беришини талаб қилишганди. Район партия комитетининг биринчи котиби А. Шарипов, иккинчи котиби С. Расуловалар ишни топширишга мажбур бўлдилар. Хатирчиликлар эса район партия комитетининг биринчи котиби Ж. Ризаев ишдан кетишини талаб қилиб чиқдилар. Энди бундай масалаларга нутқда қандай баҳо берилганини кўринг: «Оқдарё ва Пастдарғом, Пахтачи районлари партия комитетлари, Каттақўрғон шаҳар партия комитети ташаббусни ўз қўлларида сақлай олмадилар. Қарангки, Оқдарё район партия комитети биринчи секретарлигига 11 та номзод кўрсатилди. Юзаки қараганда, бу демократия аломати бўлиб кўринади, аммо районда вазият шу даражада ўткирлашиб кетдики, вилоят партия комитети бюроси аралашишга мажбур бўлди».

Хўш, Оқдарёда ўн бир номзод кўрсатилган бўлса, нимаси ёмон? Демак, одамлар партия ишига бефарқ эмаслар! Ёки Пахтачида биринчи секретарни тан олишмаган бўлишса уни Советобод районига олиб бориш керакмиди? У ерда ҳам биринчи секретарликка ўтмади-ку? Шундан кейин ҳам область ташкилотларидан бирига раҳбар қилиб қўйиш инсофданми? Ёки Хатирчида ҳурмат қозонолмаган, аксинча, районда оғир вазиятни вужудга келтирган коммунистни область халқ назорати комитети раисининг биринчи ўринбосари этиб тайинлаш зарурмиди? Бундай воқеалар область партия комитетида кадрлар билан ишлашда жиддий хатолар борлиги, «якка ҳокимлик» давом этаётганини кўрсатади. Бу «яккаҳокимлик» аввало ташкилий-партиявий ва кадрлар иши бўлимининг жиддий хатоларидир.

Хатирчи район партия комитетининг кадрлар билан ишлашдаги ташаббуси область партия комитетида маъқулланган эди. Кейин маълум бўлишича, бу райкомнинг иккинчи котиби Борис Сонни қутқазиб қолиш, тўғрироғи, «кўтариш» учун ўйлаб топилган найранг экан. Чунки ўртоқ Б. Сон вилоят партия комитетига энг ташкилотчи кадр сифатида ташкилий-партиявий ва кадрлар иши бўлими мудирининг ўринбосари қилиб олинди. Мазкур бўлим мудири Л. Виленский областда юзага келган вазият учун айбдорлардан биридир. Бироқ конференция уларнинг фаолиятига жиддий баҳо бермади. Чунки анжуманни уларнинг ўзлари тайёрлашганди. Аксинча, улар юқори органларга сайланишди.

Ҳа, бундай ҳолдан хавотирга тушасан киши. Нега биз демократиядан, ошкоралиқдан қўрқиб қолдик. Конференцияда сўзга чиққан нотиқларнинг кўпчилиги бунга «ҳужум» ҳам қилишди. Тушуниш мумкин, агар доклад ва нутқ муҳокамаси бўйича 19 киши сўзга чиққан бўлса, шундан тўрт нафари оддий касб эгалари эди, холос. Демократия, ошкоралик кимга ёқиши ва кимга ёқмаслигини ана шундан ҳам билиб олиш қийин эмас. Бундай сохталик, юзакичилик, лоқайдлик билан аҳволни ўнглаш мумкинми? Наҳотки, шахсий манфаат, раҳбарлик курсисига иштиёқ халқ тақдиридан баланд бўлса?!

ДЕПСИНИШ. Вилоятда нафақат сиёсий аҳвол, балки иқтисодиёт ҳам танг. Бу делегатларга тарқатилган докладда, вилоят газеталарида эълон қилинган доклад тезисларида ҳам эътироф этилди. Саноатда юксалиш кўзга ташланмаяпти. Бир қатор корхоналарда асосий фондлар самарадорлиги пасайди. Оқибатда 12 миллион сўмлик кам маҳсулот ишлаб чиқарилди. Кўплаб корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми камайгани учун 335 миллион сўмлик зарар кўрилди. Бундай рақамларни транспорт, қурилиш, хуллас, истаган соҳадан келтириш мумкин. Аммо гап рақамларни санашда эмас, ана шу қусурларни қандай қилиб тугатиш керак? Таассуфки, бу саволга докладда аниқ жавоб йўқ.

Одамлар савдо, ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятидан жиддий норози бўлмоқдалар. Конференцияда сўзга чиққан Иштихон район партия комитетининг биринчи котиби Т. Йўлдошев: «Халқнинг назарида партиянинг обрўсини тўкишга биринчи галда милиция ходимлари сабаб бўлишмоқда», деди. Тўғри гап. Лекин ўша ички ишлар бўлимларини ким бошқармоқда? Коммунистлар эмасми? Хўш, партия комитетлари нега қўл қовуштириб туришибди?

Самарқанддаги ўзбек драма театри директори Т. Қурбонов кўпчиликнинг дилидаги гапларни айтди:

— Биз бугун партия обрўси тўкиляпти, деган гапни кўп айтяпмиз, — деди у. — Лекин ҳақиқат шуки, оддий одамлар партия деганда, унинг раҳбарларини назарда тутишади. Халқ партияси, ишчи-деҳқон партияси, деймиз. Хўш, нега оддий коммунистнинг райкомга, обкомга боришга юраги безиллайди? Нега у бюро мажлисидан қўрқади? Гап шундаки, партия айрим шахслар қўлида қолмоқда. Улар рулни истаган томонга бурмоқдалар. Яна бир ҳақиқатни айтиб қўяй: қайта қуриш — мансаб эгаллаш, демократия — депутат бўлиб олишдан бошқага ярамай қолди. Нега бўлмаса, қайта қуриш дейишади-ю, халқ истамаган раҳбарни бошлиқ этиб қўйишади? Демократия деб вилоятдаги деярли ҳамма раҳбарлар депутат бўлиб олишди-ку? Ҳа, улар демократиядан усталик билан фойдаланишди. Улар учун халқ дарди, ташвишининг аҳамияти борми?

Ҳа, Таъна берди Қурбоновнинг саволлари кимларгадир қаттиқ зарба бўлди. Балки шунинг учун ҳам ўз ишини уддалай олмаётган ўнлаб раҳбарлар Ўзбекистон Компартияси XXII съездига делегат этиб кўрсатилиб, Т. Қурбоновнинг исми-шарифи рўйхатдан тушиб қолгандир? Ҳақ гап ҳеч кимга ёқмас, деганларининг яна бир далили бу. Нега конференцияда унинг номзоди кўтариб чиқилмади, деган ҳақли савол туғилиши мумкин. Рўйхат «муқаддас», уни бузиш мумкинми? Мана бир мисол: Нурота районидаги «Нурота» давлат наслчилик заводининг директори, область Советининг депутати Зайниддин Омонов рўйхат ўқилиши биланоқ сўзга чиқди:

— Мен область партия комитети аъзолигига қобилиятли ташкилотчи. Ҳожиқул Худойқулов номзодини кўрсатаман. Агар жой бўлмаса, ўз номзодимни оламан. Ўрнимга у кишини қўшишларингизни сўрайман, — деди у.

Аммо унинг таклифи шу заҳотиёқ бўғилди:

— Ҳозир рўйхатни бузмайлик, кейинчалик кўрамиз?

«Катта»нинг ана шундай гапидан кейин ким ҳам юрак ютиб таклиф кирита оларди? Шу боис ҳам олдиндан тузилган барча рўйхатлар ҳеч қандай муҳокама қилинмади.

Ана шу сингари ноҳуш воқеалар конференциянинг асосий мақсади — вилоятни ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, бунда вилоят партия ташкилотининг, коммунистларнинг ўрни, роли ва мавқеини белгилаб олиш масалаларини четга суриб юборди. Ахир, қанча муаммолар қалашиб ётибди. Қишлоқларнинг социал аҳволига назар солсангиз, ачиниб кетасиз. Жуда кўп жойларда ҳатто ичимлик суви етишмайди. Касалликлар кўпайиб бормоқда. Транспорт, йўл, алоқа, маиший хизмат азоблари айтмаса ҳам ҳамма билади. Деҳқоннинг шароитичи? Хуллас, ечимини кутиб турган масалалар кўп бўлган бир пайтда раҳбарлар гуруҳларга бўлинишса, ҳусумат фидойилик, халқпарварликдан устун келса, буни қандай баҳолаш мумкин?

Конференцияда нутқ сўзлаган Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Ўзбекистон ССР Журналистлар уюшмаси раиси А. Ғ. Мухторов вилоят коммунистлари ва раҳбарларининг диққатини долзарб масалалар ижросига қаратдилар.

Вилоят партия конференцияси турли қарор ва резолюциялар билан бир қаторда яна бир ҳужжатни ҳам қабул қилди. Бу Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидан Ш. Р. Рашидов биринчи секретарь бўлган давр ва вазиятга, иқтисодий-ижтимоий аҳволга ҳар томонлама чуқур ва холис баҳо беришни сўраб қабул қилинган қарордир. Коммунистлар Ш. Р. Рашидовнинг камчиликлари ва хизматлари очиқ-ойдин айтилиши керак, деган хулосага келдилар.

Дастлабки ташкилий пленумда вилоят партия комитетининг биринчи котиби П. М. Абдураҳмонов: «Мазкур конференция биз учун сабоқ бўлиши керак», деди. Дарҳақиқат, шундай. Бу сабоқ коммунистларни бирликка, жипсликка ундаши керак. У бутун куч-ғайратларни бирлаштириб, уни муаммолар ечимини қидириш, вилоятдаги вазиятни юмшатиш ва халқ турмушини яхшилаш сари йўналтириши лозим.

Ташкилий пленумда ёпиқ яширин овоз бериш йўли билан П. М. Абдураҳмонов вилоят партия комитетининг биринчи котиби, В. А. Плотников иккинчи котиби ва бўлим мудири, С. А. Нишонов, Б. Ҳамроев, А. К. Мирзоевлар эса котиб ва бўлим мудирлари этиб сайландилар.

Ж. МАМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегати.

• Самарқанд

РЕЖАЛАР АНИҚ, ҲАРАКАТЛАР ЖЎШҚИН БЎЛСИН

⊙ Демократия кимларга хизмат қилмоқда?
⊙ Эскича иш усули ва услубларига ўрин йўқ

⊙ Ҳар икки конференция оралиғида Фарғона вилоятида жуда кўп ҳаяжонли, қизғин ва серташвиш воқеалар бўлиб ўтди. Пахта яккаҳокимлигини тугатиш йўлидаги дастлабки қадамлар, ўн минглаб оилаларнинг томорқа учун ер билан, минглаб ишсизларнинг иш билан таъминланиши, халқни кўчаларга чиқишга мажбур қилган экологик муаммолар, қурилиши бошлаб юборилган янги заводлар ва цехлар, шу билан бирга рўй берган фожиали воқеалар... Ҳа, бу давр область партия комитети, коммунистлар учун ўта жиддий синов, ўтмиш хатоларидан сабоқлар чиқариш, келажакнинг пишиқ-пухта янгиланиш режаларини тузиш вақти бўлди.

Вилоят партия комитетининг биринчи котиби Ш. Йўлдошев қилган обкомнинг ҳисобот докладида вилоят партия ташкилоти нисбатан қисқа муддат ичида янгиланиш суръатларини жадаллаштириш, хўжалик ишига раҳбарликнинг янги усулларини ўзлаштириш, идеология соҳасида жиддий ўзгаришлар ясаш борасида анчамунча ишлар қилганлиги ўз аксини топди.

Кейинги пайтларда обком иш услубига коллегиаллик принципи чуқур кириб борди. Сайлаб қўйилган органларнинг роли ва масъулияти анча ошди. Йирик ва муҳим масала бўйича қарорлар ишлаб чиқишда оддий коммунистлар ва партиясиз фаоллар ҳам кенг иштирок этяптилар. Масалан, область партия ташкилотининг сайловолди ҳаракат дастури лойиҳаси муҳокамасида юз мингдан ортиқ одам қатнашди. Кейинчалик улар билдирган фикр-мулоҳазаларнинг асосий қисми дастурда акс этди. Жамоатчилик фикрини социологик йўл билан ўрганиш ва муайян масалаларни ҳал этишда улардан фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор бериляпти. Шу мақсадда обком ҳузурида Фарғона водийсидаги ижтимоий жараёнларни ўрганиш ва тавсиялар бериш илмий маркази ташкил этилган.

Партия сафларини энг муносиб, ҳалол, принципиал, софдил кишилар ҳисобига тўлдириб бориш муҳимдир. Вилоят партия комитети бир гуруҳ ёшларнинг обкомга ва газеталар редакцияларига йўллаган мактублари асосида партия сафига қабул қилиш жараёнини кенг демократиялаштириш йўлига ўтди. Бунда қабулнинг эски, сийқаси чиққан андозаларидан, партияга кимлар ўтиши кераклигини олдиндан юқоридан белгилаб қўйиш усулидан воз кечилди. Натижада 1989 йилда қанча одам КПСС сафига ўтган бўлса, шу йилнинг тўрт ойи давомида ҳам шунча киши партия сафига кирди.

Кейинги пайтларда вилоят бошидан кечган қийинчиликларга қарамай иқтисодий тараққиёт тўхтаб қолгани йўқ. Аҳоли жон бошига гўшт, сут, мева-сабзавот, картошка, тухум истеъмол қилиш бирмунча ортди. Қишлоқ аҳлини томорқа майдонлари билан таъминлаш мақсадида 25 минг гектардан кўпроқ ер ажратилди.

Аҳолини иш билан таъминлаш, янги саноат корхоналари барпо этиш борасида дастлабки ишлар қилинди. Асосий эътибор мавжуд хом ашё ресурслари билан ишлайдиган корхоналар қуришга қаратилмоқда. Чет эл корпорациялари ва фирмалари билан ҳамкорликда ташкил этилаётган завод ва фабрикалар, жумладан, Жанубий Кореянинг «Дэиво» фирмаси билан ҳамкорликда Қўқонда ишга туширишмўлжалланаётган спорт кийимлари ишлаб чиқариш корхонаси пахта толасининг бир қисмини вилоятнинг ўзида ишлатиш имконини беради.

Ўтган йили содир бўлган фожиали воқеалар мафкуравий ишнинг асосий йўналишларидан бири — миллатлараро муносабатларни янада ривожлантириш зарурлигини кўрсатди. Машъум воқеаларнинг акс садоси ҳамон сезилиб турибди. Туб миллатга мансуб бўлмаган аҳолининг кўчиб кетиш жараёни тўхтагани йўқ. Юқори малакали мутахассисларнинг кетиб қолиши, айниқса ташвиш туғдирмоқда. Миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш борасида бир қатор ишлар қилинди. Татар, корейс миллий маданий марказларининг ташкил этилиши, Ўзбекистон ССР давлат тилини тезроқ эгаллашда бошқа миллатларга ёрдам бериш, бир қатор тарихий меъморчилик биноларининг таъмирланиши, одамларнинг кайфияти, интилиш ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда ишлашга ўтиш бу соҳада ижобий ўзгаришлар бўлаётганидан далолат.

• Фарғона

ЎЗГАРАЁТГАН МУНОСАБАТЛАР ШАРОИТИДА

⊙ Барча эътибор — миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашга
⊙ Партияга қабулда янгича усул ва услублар

Бироқ бундан шу йўналишда ҳамма ишлар жойида деган хулоса чиқариш мумкин эмас. Маданият муассасаларига эътиборсизлик, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш билан яқиндан шуғулланилмаётганлиги ўзининг салбий натижаларини кўрсатяпти. Ёшларнинг маълум бир қисми орасида диний кайфиятлар кучайиб бораётгани сабаби ҳам шунда. Шуниси ажабланарлики, гарчи ҳисобот докладида урғу берилган бўлсада, музокаларда сўзга чиққан нотиқлар миллий муносабатлар, маданиятни ривожлантириш масалаларига деярли тўхталмадилар.

Вилоят партия комитети кадрлар билан ишлаш, уларни танлаш ва жойжойига қўйиш борасида ҳали кўп иш қилиши зарурлиги доклад ва нутқларда тез-тез тилга олинди.

— Обком хотин-қиз кадрлар билан ишлашда жиддий камчиликларга йўл қўймоқда, — деди ўз сўзида Фарғона тўқимачилик комбинатининг ўқув-ишлаб чиқариш инструктори, область хотин-қизлар кенгаши раиси Ш Мирзабобоева. — Обком котиблари область хотин-қизлар кенгаши аъзолари билан учрашувга вақт топа олмаяптилар. Уларни тўлқинлантираётган муаммолар билан деярли қизиқмаётирлар. Партия ва совет органларида раҳбарлик лавозимларида ишлаётган аёллар сафи кенгаймаяпти. Бу йил жумҳурият халқ депутатлигига вилоятдан атиги 5 нафар аёл сайланди. Ҳолбуки улар илгари 18 нафар эди. Аёл дардини аёл раҳбар кўпроқ тушуниши мумкинлигини сира ҳам унутмайлик.

Тошлоқ районидаги Р. Тўхтабоев номли қишлоқ Советининг масъул ходими Т. Тоиров ҳам кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда обком, хусусан, унинг биринчи котиби фаолиятидаги камчиликлар, қабул қилинган қарорлар ижроси ҳамиша ҳам кўнгилдагидек бўлмаётганлиги тўғрисида кескин мулоҳазалар билдирди. Тўғри, ҳисобот доклади ўз-ўзини танқид руҳида бўлди. Балки худди шу ҳол музокараларда қатнашган нотиқларнинг обком фаолиятини ҳаққоний, принципиал, холис баҳолашлари учун йўл очгандир. Лекин конференция минбаридан шахсан биринчи котиб фаолиятини танқид қилиш вилоят партия конференцияларида жуда сийрак учрайди. Бу эса диққатга сазовордир. Зеро, сўз билан иш бирлигини, обком секретариати, аппарати фаолиятининг сермаҳсул бўлишини таъминлаш кўп жиҳатдан биринчи котибнинг иш услубига боғлиқдир.

Вилоят комсомол комитетининг биринчи котиби А. Орзиматов нутқида кўпроқ қарор ва ижро назорати ҳақида фикр юритилди. У айниқса ёшлар билан ишлашни яхшилаш юзасидан вилоят партия комитети қабул қилган қарорлар ижросиз қолаётганлигини танқид қилди. Комсомол ташкилотларида ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида, деди нотиқ, обком раҳбариятидан вакиллар деярли иштирок этишмади. Ҳолбуки турли норасмий уюшмалар ёшлар ўртасида ташвиқот-тарғибот ишларини кучайтириб юборган бир пайтда коммунист раҳбарларнинг ёшларга дилдан мурожаати ва партиявий сўзининг таъсири, қадри ниҳоятда зарурлиги сир эмас.

Маърузачиларнинг бир қисми ўз нутқларида хўжалик масалаларига асосий эътиборни қаратдилар. Шундай нутқлар пайтида залдан «бу ахир хўжалик активи йиғилиши эмас-ку?» деган луқмалар ҳам бўлиб турди. Сирасини айтганда жиддий партиявий масалаларни кўтариб чиқиш, йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақида раҳбарларнинг юзига айтиш, ошкоралик шароитида ошкора танқид қилишни ўзлаштириш жараёни суст кечяпти. «Ўйнашмагин арбоб билан...» деган мақолни дастак қилиб олганлар ҳамон кўп. Ҳамон эскича тасаввур, танқид учун ўч олишдан ҳайиқиш ҳисси кишилар онгини тарк этгани йўқ. Конференциянинг боришида мана шундай кайфиятлар барибир сезилиб турди. Масалан, обкомнинг иккинчи котиби Г. Котоврасовнинг иш усули, раҳбарлик фаолияти билан боғлиқ ижобий ёки салбий хусусиятлари ҳақида делегатлар очиқ ҳеч нарса демадилар. Бироқ яширин овоз бериш натижаларига кўра унинг иккинчи котиб бўлиб қайта сайланишига 131 делегат ёки сайловчиларнинг деярли тўртдан бир қисми қарши овоз берди. Бошланғич партия ташкилотларидан энг дадил, принципиал, холис деб ҳисобланиб, вилоят коммунистлари конференциясига юборилган вакиллар шу ҳақда ўз фикрларини нега очиқ айтмадилар? Ахир принципиал танқид энг аввало танқид қилинган киши учун фойдали, қолаверса бу партиявий ўртоқлик, сафдошликнинг дастлабки шарти эканлиги маълум-ку. Аслида обком котибларининг тўппа тўғри конференцияда яширин овоз бериш йўли билан сайланиши демократиянинг партия раҳбар органларининг сайловидаги дастлабки ютуғи бўлди дейиш мумкин. Конференция Ш. М. Йўлдошевни вилоят партия комитетининг биринчи котиби, Г. Д. Котоврасовни иккинчи котиби, М. Қ. Қорабоев, А. А. Исоқов, М. И. Исломовни обком котиблари этиб сайлади. Конференцияда обкомнинг янги таркиби, назорат-тафтиш комиссияси аъзолари, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди ва КПСС XXVIII съездига делегатлар сайланди.

Конференцияда КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури, партия Устави лойиҳаларига бир қатор таклифлар киритилди.

Конференцияда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. С. Белоусов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий иш ва кадрлар билан ишлаш бўлими мудири П. В. Догонкин нутқ сўзладилар.

Конференция ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими В. А. Тюменев иштирок этди.

Обкомнинг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Унда ёпиқ-яширин овоз бериш йўли билан вилоят партия комитетининг бюро аъзолари сайландилар. Обком котиблари бир вақтнинг ўзида бўлим мудирлари этиб тасдиқландилар.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисида»ги Қонунни бажарамиз

Шифокорлар сўзлаганда

Ўзбекистон давлат тили ҳақидаги Қонунни жорий этиш борасида қилинаётган ишлар кўлами кенгайиб бормоқда. Бу соҳада муқобилини топиш мушкул кўринган соҳалардан бири тиббиёт атамаларидир. Шу сабабдан ҳам жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг тармоқ муассасаларида давлат тилида ишлашга ўтиш йўлидаги ишлар жиддий изланишларни тақозо этмоқда. Вазирликда жумҳуриятимизда тиббиёт оламига салмоқли ҳисса қўшган олиму фузалолардан иборат Тил комиссияси ва идора ходимларидан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Жумҳурият соғлиқни сақлаш муассасаларининг раҳбарлари ҳар ойда вазирликда давлат тилини жорий қилиш юзасидан қилинаётган ишлар бўйича назорат кенгашига йиғилиб, ўзаро фикр алмашмоқдалар. Бошқарув идораси, Бош бошқармалар, фан бўлими, ўқув-методика хонаси, нашриёт, «Саломатлик» маркази, тармоқ олий ўқув ва билим юртлари мутахассислари, вилоят соғлиқни сақлаш бўлимлари, шифохоналар жамоалари — жаъми муассаса ва ташкилотлардаги мутахассислар тиббий атамалар, номлар ва сўз бирикмаларининг ўзбекча муқобилини топишга киришдилар. «Тиббиёт» нашриётига таржима ҳамда янги яратилган ўзбекча дарслик ва қўлланмалар қўл ёзмалари келмоқда. «Сиҳат-саломатлик» жаридасининг биринчи сони нашрдан чиқди. Барча муассасаларда иш юритиш давлат тилига ўтиши учун ҳаракат оммавий тус олди. Бироқ бу жараённи марказлаштириб, атама ва номларнинг ягона намунасини танлаб амалга жорий қилиш вазифаси жумҳурият атамашунослар қўмитасининг тиббиёт бўлими зиммасида. Бу бўлим академик Ё. Тўрақулов раҳбарлигида иш олиб бормоқда. Атамашунослар қўмитасининг тиббиёт бўлими кенгаши тиббий атамаларнинг намуналарини саралашда тўрт хил усулга таянишни маъқул кўрмоқда: аввало, тиббий кашфиёт қайси тилда биринчи бўлиб яратилган бўлса, ўша тилдаги асли тикланиши керак; доришунослик ва фаннинг янгиликларидаги атамалардан умумжаҳон кезувчи байналмилаллари эса асли-ча — ягона атама шаклида сақланиши; ўзбек тилида муқобили бор атама, сўз ва номлар эса янгича номланиши; тилимизда номи бўлмаса-да, ўзбекча ифодалаш шарт бўлган тушунчаларга эса ўзбек тили сўз ясаш қонуниятларига асосланиб янги сўз ва сўз бирикмалари ясаш йўли маъқул топилди. Қуйида муҳтарам муштарийларимиз эътиборига вазирлик тил комиссияси бисотидаги айрим тиббий атамалар ва иш юритишда қўлланиладиган хизмат атамаларидан бир туркуми ҳавола қилинаётир.

М. МУРОДОВА.

• Атамалар бурчаги

Адинамия — Беҳоллик
Анимия — Камқонлик
Аорта — Шоҳтомир
Афта — Ярачалар (чақалар)
Врач — Ҳаким (духтир)
Вызов — Чақириқ
Выписка — Кўчирма
Госпитализация — Даволашга ётқизиш
Диагноз — Диагноз, ташхис
Докладная — Рознома
Инструкция — Йўриқнома
Карбункул — Хўппоз
Карточка — Дастак (иш юритишда)
Картотека — Дастаклама
Кашицеобразный стул — Аталасимон нажас
Кожа бледная — Заҳил (ранг) тери
Коклюш — Кўк йўтал
Кора мозга — Мия пўстлоғи
Корь — Қизамиқ
Костный мозг — Суяк қўмиғи
Координационный совет — Мувофиқлаштирувчи кенгаш
Краснуха коревая — Қизилча
Кровеносные сосуды — Қон томирлар
Малярия — Безгак
Медицина — Тиббиёт
Мокрота — Балғам
Мочалка — Булут
Нёбо — Танглай
Обезвоживание — Сувсизланиш
Обезвреживание — Зарарсизлантириш
Озноб — Эт увишиши
Операция — Операция, тахсис
Опись — Хатлов
Организм — Жисм, организм
Оспа — Чечак
Отёк — Шиш
Отрижка — Кекириш
Отечность — Салқимоқ
Оспаподобная сыпь — Чечаксимон тошма
Острая дизентерия — Ўткир ичбуруқ
Подшивка — Тахлама
Подреберье — Қовурға ости
(Оболочка) плодная — Қоғоноқ
Подведомственные — Тобе муассаса
Пролежни — Ётоқ яра
Протокол — Тафсилотнома, қайднома
Рвота, рвать — Қусуқ, қусмоқ
Регистрационно-контрольная карточка — Қайдлов-назорат дастаги
Рецедиви — Қайтовлаш
Роговица — Шоҳпарда
Родничок — Тепатош
Родовспоможение — Туғруқдошлик
Рубцующая язва — Битаётган яра
Руководящие (документы) — Таянч (ҳужжатлар)
Свищь — Оқма яра
Сестринское дело — Ҳамширалик иши
Сибирская язва — Қуйдирги
Симптом — Касаллик аломати
Скоросшиватель — Чатмгич
Срези — Кесма
Судороги — Мушак тортишиши (халқда: томир тортишиши)
Супружество — Жуфтлик, завжлик
Суставы — Бўғимлар
Сыворотка — Зардоб
Сипь — Тошма
Текучесть (кадров) — (Ходимлар) қўнимсизлиги
Уведомление — Қайтар хабар

САФАР ПРОГРАММАСИ

Оқ уй СССР Президенти М. С. Горбачевнинг 30 май — 4 июнь кунлари АҚШга қиладиган ташрифи программасини эълон қилди.

31 майдан 1 июнгача Вашингтонда М. С. Горбачев билан Ж. Буш ўртасидаги расмий музокаранинг тўрт давраси ўтказилади, шунинг якунида бир қанча Совет—Америка ҳужжатларини имзолаш маросими бўлади.

2 июнь куни Совет ва Америка раҳбарлари АҚШ Президентларининг Вашингтондан чамаси 120 километр нарида жойлашган Кэмп-Дэвид (Мэриленд штати) қароргоҳига йўл оладилар, бу ерда уларнинг норасмий учрашуви ўтказилади.

3 июнь куни Оқ уйда расмий кузатиш маросими бўлади.

Сўнгра М. С. Горбачев Қўшма Штатлар бўйлаб қисқа сафар қилади, шу сафар давомида Миннесот штатидаги Миннеаполис ва Калифорния штатидаги Сан-Франциско шаҳарларига бориб, Америка жамоатчилиги ва савдо-саноат доираларининг намояндалари, маданият ва фан арбоблари билан учрашади.

(ТАСС).

ҲАФТАЛИК РЎЗНОМА

МЕХИКО. Мексикада ва айни вақтда Америка қитъасидаги яна етти давлатда «Эльдиа Латиноамерикано» ҳафтаномаси чиқа бошлади.

Ҳафтанома биринчи сонининг бош мақоласида таъкидланишича, сўнгги вақтда Лотин Америкасидаги кўпгина давлатларнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий турмушида юз бераётган ўзгаришлар, регионда демократиялаш ва алоқаларни кучайтириш жараёнларини мустаҳкамлаш вазифалари бундай ҳафтаномани ташкил этишни зарур қилиб қўйган эди. Биринчи умумрегионал рўзнома материаллари, дейилади мақолада, региондаги давлатларда демократияни мустаҳкамлашга ва иқтисодий тараққиётга кўмаклашиш мақсадида Лотин Америкаси мамлакатларининг ҳукуматлари, сиёсий партиялар ва ташкилотлари, иқтисодий, илмий ва маданий марказлари, турли ижтимоий гуруҳлари ўртасида яқиндан алоқа ўрнатиш ва бундай алоқаларни мустаҳкамлашга ёрдам бериши керак.

(ТАСС, 22 май).

БУЮК СЎЗ УСТАСИ ХОТИРАСИГА

Дунё овози

● **ГФР. Гессен ўлкасининг қадимий шаҳри Марбургнинг номи совет кишиларига яхши таниш. Маҳаллий дорилфунунда ватандошларимиз Михаил Ломоносов ва Борис Пастернак ўқишган. Шонр яшаган уй ҳозиргача сақланиб қолган. Пастернак Марбург олий ўқув юртида 1912 йилда фалсафани ўрганган, орадан ўн бир йил ўтгач бу ерда яна бўлган.**

Суратда: Пастернак яшаган уй.

Е. Стеровик сурати (ТАСС).

ХАБАРЛАР ОҚИМИ

● **ВАШИНГТОН**

Дунёда миллиардлаб одамлар оч-наҳор кун кечираётган пайтда инсоният қуролланишга ҳар йили бир триллион доллар сарфланишига йўл қўя олмайди. Ҳарбий ҳаражатларнинг тўхтовсиз ўсиши тўхтатилиши ва орқага қайтарилиши керак. Олий даражадаги Совет—Америка учрашуви арафасида Америкадаги 42 минг аъзони бирлаштириб турган «Жаҳонга — Нон» жамоат ташкилоти ана шундай даъват билан майдонга чиқди.

● **ПАРИЖ**

Гвиней—Бисау билан Сенегал чегарасида икки мамлакат армия бўлинмалари ўртасида қуролли тўқнашув чиқди. Франс Пресс агентлиги Гвиней—Бисау ташқи ишлар министрлигининг баёнотига асосланиб хабар қилишича, биринчи бўлиб Сенегал аскарлари ҳужум қилганлар, улар «қўшни мамлакатнинг миллий суверенитетини яна бузганлар». Баёнотда қанча одам ҳалок бўлгани ҳақида маълумотлар келтирилмаган.

● **МАДРИД**

Нельсон Манделани қўллаб-қувватловчи Испания комитети Жанубий Африка Республикасида апартеид сиёсатининг давом этаётганига ва ЖАР Президенти Фредерик де Клеркнинг Испанияга расмий ташриф қилишига қарши норозилик билдирди. Испаниядаги таниқли касаба уюшма арбоби Марселино Камачо бошчилик қилаётган комитет кенг жамоатчиликнинг фикрини акс эттиради.

Комитет эълон қилган баёнотда Жанубий Африка Республикаси гитлерчилар Германиясидан кейин ирқчиликни рўёбга чиқарган жаҳондаги иккинчи мамлакат эканлиги таъкидланади.

(ТАСС).

ҲИНДИСТОН АҲОЛИСИ

● **ДЕҲЛИ. Ҳиндистон аҳолиси ҳозир тахминан 821 миллион кишидан иборатдир. Бу ҳақда мамлакат парламентида эълон қилинди.**

Республикада аҳоли охирги марта 1981 йилда рўйхатга олинганидан кейин ўтган тўққиз йил ичида у 136 миллион киши кўпайди. 2005 йилга бориб эса БМТ экспертларининг фикрича, Ҳиндистон аҳолиси 1 миллиард 446 миллион кишига етади, яъни илгари ҳисобланганидан 216 миллион кўпроқ бўлади. 2030 йилга бориб эса Ҳиндистон эҳтимол Хитойдан ҳам ўзиб кетади ва жаҳонда аҳолиси энг кўп мамлакатга айланади.

Ҳиндистон аҳолисининг аниқ миқдори келаси йил ўрталарида, навбатдаги рўйхатга олиш натижалари эълон қилинганидан кейин маълум бўлади. Ҳозир мамлакатда жаҳондаги энг катта статистика операцияси деб аталаётган шу кампанияни ўтказишга кенг тайёргарлик кўриляпти. Бу кампанияда бир ярим миллион ҳисобчи иштирок этади. Улар келаси йил 9 февралдан бошлаб 5 мартга қадар бўлган даврда Ҳиндистоннинг бутун аҳолисини бирма-бир рўйхатга олиб чиқишади.



● **БУХОРО ОБЛАСТИ. Ғиждувон районидаги «Кўкча» совхози қорақўлчилари, жумладан Д. Элов, У. Боқиев ва А. Бозоровлар айни кунларда қўзи терилларини давлатга топширишга тайёрламоқдалар.**

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

• Олий мактаб янгиликлари

ДОРИЛФУНУНЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Қоҳирадаги Айн-Шам дорилфунуни билан Тошкент давлат дорилфунуни ўртасидаги алоқалар кўп йиллик танаффусдан кейин қайта тикланди. Мазкур олий ўқув юртлари 70-йилларнинг охирларида СССР ва Миср ўртасидаги муносабатлар ёмонлашганлиги натижасида тўхтаб қолган қадимий алоқаларни тиклаб, кўп томонлама ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартномани имзоладилар.

Ҳамкорлик режаларида талабалар ва муаллимларнинг бир-бирларига бориб ўзаро тажриба ўрганишлари, илмий адабиётлар ва ахборотлар алмашиш, Ўзбекистон ва Миср илмий муассасаларида сақланаётган қўлёзмаларни биргаликда ўрганиш назарда тутилади. Тошкентлик муаллимлар Қоҳира дорилфунунида геология, экология, ўзбек тили ва адабиёти, физика, математика фанларидан лекциялар ўқишади. Қоҳиралик муаллимлар эса Тошкентда араб адабиёти ва тилидан дарс беришади. Шу йилнинг ўзидаёқ дорилфунунда бир-бирларига иш ўрганиш учун мутахассислар юборишади.

Айн-Шам дорилфунуни олимлари Ўзбекистон илмий жамғармаларида сақланаётган қадимий қўлёзмаларга, айниқса, катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Араб тилида битилган 20 мингдан кўпроқ қўлёзма ноёб ҳисобланади. Тошкент давлат дорилфунунининг олимлари ва мутахассислари шартномага биноан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида сақланаётган Шарқ қўлёзмалари мажмуаси 11 жилдини ўзбек ва рус тилларидан араб тилига ўгириб беришга ёрдам берадилар. Ўзбекистон билан Миср Араб Республикасидаги бошқа ўқув юртлари ўртасида ҳам алоқалар кенгайиб бормоқда. Тошкент политехника институти яқин кунларда Ал-Миний дорилфунуни намояндаларини қабул қилади, у мазкур дорилфунун билан ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолаш ниятида.

И. ГРЕБЕНЮК,
ЎзТАГ мухбири.

САХИЙЛАР ҲАМ САХИЙЛИК КЎРГАЙМИ?

• Хатларга шарҳ

— Яқинда сафарга чиққанимизда бир қишлоқда тўхташга тўғри келди, — деб қолди шаҳарлик танишим, ўта муҳим нарсани айтмоқчидек мени чеккага тортаркан. — Кун дим бўлгани учун рўбарўмиздаги дарвозани тақиллатиб, бир пиёла сув сўрагандик, ўчоқ бошида куймаланиб юрган аёл: — Эшик очиқ, бемалол кираверинглар, дея овоз берди.

Уй бекаси тандирдаги нонларни узиб олгунча атрофга назар солдик. Икки ёки уч хонели олди пешайвонлик, сувоқдан чиқмаган пахса деворли уй. Тор ҳовлининг бир бурчагига ғўзапоя босилган. Пешайвонда қатор терилган катта-кичик пойабзалларга қараганда бу хонадон серфарзанд эди. Аёл уйидан янги қавилган кўрпача олиб чиқдида, хонтахта ёнига тўшаб, бизни ўтиришга таклиф қилди.

— Энди бизни маъзур тутасизлар, ичимлик сувини олисдан келтирамиз. Ўзимиз ўрганиб кетганмиз-у, бироқ сизга бу сувни қайнатмай ичиш тўғри келмаса керагов. Яхшиси ўтиринглар, ана самовар қайнаб турибди, ҳозир чой дамлаб келаман.

Бека эътирозимизга қарамай, «Қутлуғ уйдан қуруқ кетасизлармиI?», дея дастурхонга иссиқ нон, қанд-қурс қўйди...

— Очиғини айтайми, — деди танишим ҳаяжонланганча таассуротини якунлаб, — меҳмондўстлик дейсанми, сахийлик дейсанми, хуллас, одамгарчилик ҳали ҳам қишлоқ аҳлида сақланиб қолган. Турмиш-турмуши бир ҳол, бир шакл бўлса ҳам, олижанобликни унутишмаган барака топкурлар.

Ҳа, халқимиз меҳмондўст, сахий. Яхши одамлар учун жонини ҳам аямайди. Майли, бола-чақаси ҳафталаб гўшт емаса-емасин, бироқ қарз қавола қилса ҳам меҳмонинг олдига тўкин дастурхон ёзади, кўнглини олади. Одатимиз шунақа, меҳмонни отадан улуғ кўрамиз. Сабр-қаноатлимиз, борига шукр қилиб яшаймиз. Туну-кун тер тўкиб меҳнатига яраша ҳақ ололмасак ҳам, ёнимиз газ кони бўла туриб ўчоққа ғўзапоя қаласак ҳам, тоғ-тоғ пахта етиштириб ўзимиз тузукроқ кийимга ёлчимасак ҳам, сурув-сурув қўй боқиб, бошга битта чақмоқ телпак қўндиришга қурбимиз келмаса ҳам, лом-мим демаймиз, оққўнгиллик билан юртга тинчлик, Хайриятки, қайта қуриш насими эсиб, ошкоралик замони, ижтимоий адолатни тиклаш даври келди. Етмиш йил ичида халқимиз орзиқиб кутган, бироқ зинҳор эришолмаган орзуларига, ижобий ўзгаришларга сўнгги бир йил мобайнида эришди, десак хато бўлмайди. Деҳқоннинг кўкрагига шамол тегди. Унга томорқа ери берилди, меҳнати эркинлашди, мустақиллиги ошди. Кўп болали оналарга, кексаларга, студент-ўқувчиларга ғамхўрлик кучайди. Бир сўз билан айтганда, мамлакат, жумҳурият раҳбарлари халққа, айниқса, элни тўйдириб-кийинтираётган қишлоқ аҳли турмушини нормаллаштиришга қаратилган қатор тадбирларни изчил рўёбга чиқаришга бел боғладилар.

Бироқ ҳали ҳам қишлоқда муаммолар кўп. Редакция почтасини кўздан кечирар эканмиз, бенихоя қўлида боласи, елкасида кетмони билан тонг саҳарлаб далага отланган мўътабар опа-сингилларимиз, сувсизликдан қовжираётган боғларимиз, уй солиш орзусида қурилиш материаллари ахтариб саргардон юрган деҳқон, янги, кўркам мактаб биноси тушларига кириб чиқадиган ширин-шакар укаларимизнинг ҳасратли, ўйчан ва ҳорғин қиёфаларини тасаввур этамиз. Бугунги ошкоралик замонида улар ўз ташвишлари, ғаму аламларини баралла айтишга ўрганаётганларидан қувонамиз.

«Далада асосан хотин-қизлар ишлаши сир эмас», — деб ёзади янгиқўрғонлик совхоз ишчиси **Абдуғаффор Девонаев**, — «хўжалигимизда ариқ чопишнинг бир кунлик нормаси 8 кубметр, хашак ўриш 250 килограмм (қуруқ ҳолда), дарахтлар тагини юмшатиш 4 сотих қилиб белгиланган. Бинобарин хотин-қизлар, айниқса, кўп болали аёллар бу норма ва бажаришлари мушкул. Уддалаган тақдирларида ҳам ўртача 3 сўм 40 тийин ҳақ олишади, холос. Қиш ойларида аёлларнинг кўпчилиги ишсиз қолади. Менимча эскириб қолган иш нормаларини ўзгартириб аёлларга эътиборни кучайтириш лозим. «Эҳ, қани энди ўша совхоз, район раҳбарлари ва бошқа мутасадди ўртоқлар ҳам мана шу оддий ишчи каби фикрлашса! Агар бошлиқлар ғамхўр бўлишганда Коммунистик районидаги Карл Маркс номли колхоз ижарачилари ўзларининг ҳалол иш ҳақларини ололмай сарсон-саргардон юришмасди».

Нурота районидаги «Ўзбекистон комсомоли 50 йиллиги» совхози чўпонларининг ҳам ҳасратидан чанг чиқади. Улар ўзларининг оғир меҳнатлари муносиб тақдирланмаётганидан, яшаш ва ишлаш шароитлари оғирлигидан нолишган. Нарпай район «Иттифоқ» қолхозининг **Б. Рўзимуродов, Ж. Жўраева, Г. Дўстмуродова, Р. Очилова** каби аъзолари томорқа ерлари беришда адолатсизлик қилинаётганлигини эътироф этишган.

Қамашн районидаги Ю. Гагарин номли совхознинг Гулистон қишлоғида турувчи **О. Қурбонов, П. Жалилов** ва бошқалар ерлардан оқилона фойдаланилмаслиги туфайли экинзорлар зах ва шўр босиб кетаётганлигидан ташвишдалар. Уларнинг фикрича ер ости сувларининг юзага чиқишида Чимқўрғон сув омбори ва таги бетонланмаган «Пахтаобод» канали сабаб бўлмоқда.

Хатлар, ташвишлар, таклифлар, талаблар... Поплик **Е. Ҳакимов**, самарқандлик **Р. Аҳмедов**, пахтачилик **Р. Каримов**, Калинин районининг «Солнечний» посёлкасида истиқомат қилувчи **Т. Тўлаганов**, хонқалик **Р. Отажонов**, навоийлик **А. Худойназаров**, Охунбобоев районидан **С. Мақсудов**, советободлик **М. Салимов**... Яна ўнлаб хат муаллифларининг номларини қайд қилишимиз мумкин эди. Афсуски, рўзномамиз саҳифаси бунга имкон бермайди.

Хатларни ўқиб туриб, яқинда рўзномамизда эълон қилинган жумҳурият Президенти И. А. Каримов номига келган мактубларнинг мазмуни ёдимизга тушди. Уларнинг мазмуни деярли бир хил: ишлаб чиқаришни юксалтириш, турмуш фаровонлигини таъминлаш, тўрачилик, масъулиятсизлик ҳолларидан зорланиш ва ҳоказо.

Меҳнаткашларнинг дил изҳори, таклиф, талаб ва мулоҳазаларини ўрганар эканмиз, шу нарсага эътибор бердикки, уларнинг деярли 80 фоизи жойларда, маҳаллий партия, совет ва хўжалик раҳбарлари томонидан ҳал этилиши мумкин экан. Афсуски, айрим раҳбарларнинг масъулиятсизлиги, одамлар тақдирига бефарқлиги меҳнаткашларни юқори ташкилотларга мурожаат этишга мажбур этмоқда.

Жумҳурият раҳбарияти айни пайтда ижтимоий-иқтисодий соҳада олиб бораётган амалий ишлардан асосий мақсад — одамларга ғамхўрликни кучайтиришдир. Бу ишни тўла-тўкис амалга оширишда маҳаллий кадрлар бош ижрочи вазифасини бажаришлари талаб этилади. Боқибеғамлик, масъулиятсизлик, сансалорлик кўринишлари омманинг қайта қуриш ишига бўлган ишончини йўқотади. Бинобарин, турмушимиз фаровонлиги, дастурхонимиз тўкинлигини таъминлаётган сахий қишлоқ аҳлига биз ҳам сахийлик кўрсатайлик.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ,
деҳқончилик саноати бўлими мудири.

МОНГОЛИЯ. Улан-Баторда Хэнтэй аймоғига монгол—япон экспедицияси йўл олди. У Чингизхон қабрини топишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Афсоналарга кўра, Чингизхон «Гурван гол», яъни «Уч дарё» деган жойда туғилиб ўсган ва шу ернинг ўзига дафн этилган экан.

СУРАТДА: монгол-япон экспедицияси йўлга чиқиши муносабати билан ўтказилган театрлаштирилган томоша, бунда қўшиқ ва рақслар ансамбли артистлари ўтмишдаги аскарларни олис юришга тантанали кузатиш саҳналарини намойиш этишди.

К. Болдохонов телесурати. (ТАСС).

Турфа олам

ФРАНЦИЯ. Мамлакатдаги Лимож шаҳри ўзининг машҳур чинниларидан оламга донг таратган.

Суратда: «Рейно» фабрикасининг коммерция директори Жан-Поль Барро маҳсулот намуналарини намойиш этмоқда.

В. Хреков сурати (ТАСС).

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

⊙ ТБИЛИСИ

Грузиядаги ихтисослаштирилган корхоналар чой баргининг дастлабки тонналарини қайта ишлади. Республика деҳқончилик-саноат комплексида ҳал қилувчи роль ўйнайдиган тармоққа талаб ошди. Асосий эътибор бу йилги мавсумда халқаро бозорга чиқадиган Грузия чойининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилмоқда.

⊙ ЮЖНО-САХАЛИНСК

Южно-Сахалинскда ўтаётган тарих-ўлкашунослик конференцияси «А. П. Чехов ва Сахалин» мавзусига бағишланган. Буюк рус ёзувчисининг роса юз йил муқаддам қилган узоқ сафари унинг ижодида бурилиш ясади — Антон Павловичнинг таъкидлашича, шундан кейин яратилган асарларига бу сафар у ёки бу тарзда таъсир кўрсатган. Чехов подшо каторгасига бориб келганидан кейин ёзган «Сахалин ороли» китоби жуда катта фош этувчи кучга эга бўлган ҳужжатдир. Конференцияда сахалинлик олимлар, Минск, Хабаровск, Владивосток, Иркутск, Якутсклик мутахассислар, Польша ва АҚШдан келган меҳмонлар иштирок этмоқда.

⊙ РИГА

Латвия Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти Латвия Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги ижтимоий-сиёсий тадқиқотлар институтига айланади. Институтнинг ихтисосини ўзгартириш тўғрисидаги қарор Латвия Компартияси [КПСС Ҳаракат дастуридаги] Марказий Комитети Бюросининг мажлисида қабул қилинди. Тарихий ҳақиқатнинг тикланиши, ўтмишга объектив баҳо бериш билан боғлиқ ишлар янгиланган институт фаолиятидаги асосий йўналишлардан бўлиши кўзда тутилмоқда. [ТАСС].

ИККИ ХАЛҚ БАХШИСИ

● Бухоро вилоятининг Конимех, Учқудуқ, Томди районларида қозоқ ва ўзбек халқларининг севимли оқини Бозор жиров Онгдас ўғли Ўтимисовнинг 150 йиллик юбилей тантаналари бўлиб ўтди.

Қардош қозоқ халқининг буюк бахшиларидан Бозор жиров Қизил Ўрда вилоятининг Қармоқчи районида дунёга келган. Бахшилик фаолиятини 16 ёшлигида бошлаган йигит қозоқ эли ҳаётининг аччиқ ҳақиқатини шеър ва қўшиқларида куйлаб, халқ ўртасида доврўг таратди. исёнкор шеърияти туфайли «Қазали» — Урганч-Бухоро қамоқларида азият чекди.

1911 йилда вафот этган бахшининг жасади Бухоро вилоятининг Учқудуқ районидаги Жалпақтов деган жойдадир. Узоқ йиллар бахши ижодига диний миллатчилик тамғаси босилиб, ўрганилмади. Ўтган йили Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети Бозор бахши Онгдас ўғли ижоди ноҳақ қувғинга учраганлиги тўғрисида қарор қабул қилди. Бахши термалари 1986 йилда китоб тарзида чоп этилди. Айни маҳалда бағишлов қўшиқлари, «Жусип — Ахмед» достони нашрга ҳозирланмоқда. Ўзбекистон ва Қозоғистон ёзувчилар уюшмалари унинг юбилейини ўтказиш ҳақида ўзаро келишиб олишди. Мазкур юбилей жумҳуриятимиздаги тантаналар билан бошлангани икки халқ дўстлиги ришталари тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат бермоқда.

18-20 май кунлари Конимех, Учқудуқ, Томди районларининг овулларида қозоқ халқининг шонли фарзанди хотирасига бағишлаб каттА тантаналар ўтказилди. Уларда иккала жумҳурият таниқли ёзувчилари, санъаткорлари, вилоятлардан келган делегациялар вакиллари қатнашдилар.

Меҳмонлар бахшининг қабрига гуллар қўйишди. Кўпгина овулларда меҳнаткашлар билан учрашиб, унинг қўшиқларидан ижро этишди. Оқинлар айтишувлари, турли миллий ўйинлар ва мусобақалар ўтказилди.

Бахши ижодининг мадҳияси Томди райони марказида ўтган якшанба кунидаги тантаналар билан якунланди. Йиғилишни район партия комитетининг биринчи котиби М. Сулейменев очди. Район ижроия комитети раиси Т. Сонсизбоев бахши ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида маъруза қилди. Қозоғистон ССР Ёзувчилар уюшмаси правлениесининг секретари Қ. Турсунқулов, республика Президенти кенгашининг консультанти А. Укебаев, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси қозоқ секциясининг мудири Қ. Сейданов, уюшма Бухоро вилояти бўлимининг котиби Т. Аҳмедов, «Томди» наслчилик заводи директори, Ўзбекистон ССР халқ депутати О. Исаев ва сўзга чиққан бошқа нотиқлар бахши ижоди ҳақида сўзладилар.

Юбилей тантаналарида Ўзбекистон Компартияси Бухоро вилоят комитетининг биринчи котиби Д. С. Ёдгоров нутқ сўзлади.

Томдида ўтказилган тантаналар чинакам байналмилал тадбир сифатида меҳмонлар ва мезбонларда катта таассурот қолдирди.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• «Фотоконкурс—90»



«Билагимизда ҳали ҳам кучимиз бор». Ф. Қурбонбоев сурати.

• Сўнмас у кунлар шуҳрати

ҚОРА ХАТДАН СЎНГ...

Бундан 50 йил муқаддам қишлоғимизда новвойлик қилган Рўзибой аканинг кичик ўғли Эркавой билан дўст бўлганман.

Уруш бошлангач Эркавой ҳам акаси Қўзибой билан фронтга жўнаб кетди.

Эркавой 873-ўқчилар полкида Украинанинг жуда кўп шаҳар ва қишлоқларида жанг қилди. Житомир шаҳри остонасига яқин қолганда душманнинг ўқ-дори ортилган икки арава ва бир юк машинасидаги фрицларни гумдон қилди. Шунда қаёқдандир снаряд парчаси келиб кўкрагига тегди. Бундан бехабар қуролдош ўртоқлари олдинга қараб кетавердилар. Бахтига бошқа қисм солдатлари келиб қолиб, уни госпиталга жўнатишди.

1943 йил 26 декабрь куни Коммунистик райони Кавардан қишлоғида истиқомат қилувчи Азиза опа Расулевага 873-ўқчи полкидан қора хат келди: «Ўғлингиз Эркавой Рўзибоев Житомир шаҳри учун бўлган жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлди».

Азиза опа ўғли Қўзивой Эстониянинг Клайпеда шаҳрида ҳалок бўлгани ҳақидаги қора хатдан сўнг фарзанд доғида куйиб-ёнаётган бир чоғда ўғли Эркавой жанг майдонларида яна жон олиб жон бериб жанг қиларди. У 4-Украина фронтидан сўнг Шимолий Кавказ фронтида қатнашди. Яна яраланиб, госпиталда даволаниб чиқди. Охири Карелофин жангларида иштирок этди. Яна яраланди. Ленинград шаҳар госпиталида муолажа топиб, 1948 йилда иккинчи группа ногирони бўлиб уйига қайтди.

Қора хатдан сўнг унинг ўз уйига кириб келиши кутилмаган ҳодиса бўлди. Онаси кўзларига ишонмас, ўғлининг у юзидан, бу юзидан ўпар, бағрига қаттиқ босганча, оғир хўрсиниб қўярди. Баъзилар, ишониб-ишонқирамай, «Эркавой тирик экан» деб шу хонадонга ошиқдилар...

Ажал қомидан эсон-омон қайтган Эркавой фарзанд доғида куйган онасига ёрдам бериш учун колхозда, сўнгра мактабда ишлай бошлади. У ҳозир пенсионер. Шунга қарамай район алоқа бўлимида ишламоқда.

Ҳамқишлоқлари уни уруш ва меҳнат ветерани, чин инсон сифатида иззат-ҳурмат қиладилар.

Раҳматулла ИСҲОҚОВ,
Уруш ва меҳнат ветерани.

● Хизмат юзасидан Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, уруш инвалидлари ва ветеранлари билан кўп бор учрашишга, суҳбатлашишга тўғри келган. Жанг таассуротлари билан бошланиб, тинч ҳаётимиздаги етишмовчиликлар ва уруш, меҳнат ветеранлари учун имтиёзлар камлигидан нолиб, бу борада ёрдам беришимизни сўраб тугайдиган айрим мулоқотлардан кўнгил хижил тортарди.

ЯШАШ БАХТИ

САМАРҚАНД вилояти Пайариқ районидаги Карл Маркс номли колхозда истиқомат қилаётган уруш ветерани Ҳаким ота Бобоқулов билан суҳбатимиз ҳам хойнаҳой шу тахлитда борса керак, деб кутгандим.

Шукурки, суҳбатимиз бошида ҳам, сўнггида ҳам отахоннинг ҳаётдан нолиб, лоақал бирор нарсадан норизо оҳангда сўзлаганини сезмадим. Аксинча, шукроналик, ҳа бугунги кунда одамлар табиатида ноёблашиб бораётган шукроналик ҳис-туйғуси унинг нуроний чеҳрасида барқ уриб турарди. Бирдан димоғи ачиштандек чеҳраси ўзгариб, кўзлари ёшга тўлганда ҳам ана шу шукроналик шуъласи сўнмади. Ана шунда бу қувонч ёшлари эканига, мўътабар бу кексанинг кўнглини кўтариб турган аллақандай ички бир куч борлигини ҳис этдим.

—...Ўлим бўлмасин, сингглим. Ишқилиб, бевақт ўлимдан сақласин, — деди у. — Тўғри, турмушимиз оғирлашиб қолди. Яшашнинг, бир уй жонни боқишнинг ўзи бўлмаяпти, — гапида давом этди у. — Гўшт тансиқ, ҳатто совун, шакар бемалол эмас. Қишлоқда яшаб туриб мева-чевани шаҳар бозоридан фалон пулга харид қилган қила олади, чўнтаги қуруқлар эса боши қотадиган кунларга қолдик... Гап шундаки, яшашдан мақсад фақат қорин қайғуси эмас-ку. Инсоннинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Уруш эса ҳаётни издан чиқаради. Ишқилиб, уруш бўлмасин. Ватан урушига кетганимда 20 ёшда эдим. Ўлим тун ҳамроҳ, кун ҳамроҳ бўлган даҳшатнинг ичида беш йил юрдим. Бахтим бор эканки, омон-эсон юртимга қайтиб келдим. Етти ўғил-қизнинг отаси, 19 неваранинг бобоси бўлдим. Бошқачасини қўйинг, шунинг ўзи инсон учун катта бахт эмасми?! Бундай қувончга нимани тенглаштириб бўлади! Ҳа, тириклик бахти олдида ҳаммаси ўтаверсин.

Ветеран ўйга толди.

Қаршимда ўлим билан юзма-юз олишган ва ўлимларни доғда қолдириб ғалаба билан қайтган оддий, одми ўзбек жангчиларидан бири ўтирибди.

...Ҳаким Бобоқулов Харьков шаҳрини бир кеча-кундузда уч бор душман қўлига ўтиб, яна уч бор душмандан қайтариб олинишида қатнашган. Душман самолётлари қишлоқ, шаҳарларни кун-паякун қилиб кетганини ўз кўзи билан кўрган. Ушанда урушнинг иккинчи йили эди. Сталинград фронти бўйлаб жанг қилаётган 7-гвардиячи танк корпуси Дон ва Чир дарёлари оралиғида душманнинг «Учбурчаги» устидан ғолиб келиб, Котельников шаҳри учун жанга кирдилар. Душман кўп талофот кўрди. Шаҳар озод қилиниши арафасида Бобоқуловлар танки ёниб кетди. Ҳаким ака жангчи дўсти Дмитрий Мельников билан танкдан отилиб тушиб, пулемёт жангига кирдилар. Ҳаким оёғидан қаттиқ яраланиб, жанг майдонида қолиб кетди. Қуролдошлари душманни қувиб олга кетдилар. Ў эса тупроқ уюмлари орасида қонга беланганча ётар, гоҳ ҳушига келиб, гоҳ ҳушидан кетарди...

...Бошида икки рус аёлининг уймалашаётганини кўрдию яна кўзи тинди... Улар жангчини уйларига олиб келиб, ярасини боғлашди. Унга чой тутишди. Ушанда тановул қилган бир дона тухум билан иккита перашкининг мазаси ҳали ҳам оғзидан кетмайди. Кейин уни пичан солинган аравага икки аёл зўр-базўр кўтариб ётқизишгани, кузатиб госпиталгача олиб келишгани... Эсида шуки, бири ёши каттароқ, иккинчиси эса қизалоқ эди. Она-бола бўлишса керак, дея хаёлидан ўтказганди ўшанда.

Орадан қанча йиллар ўтди. Халоскорлари — рус аёллари кўз олдидан неча бор ўтмадилар дейсиз. Ушанда уларнинг исм-шарифларини сўраб олмаганидан изтироб чекарди. У ёғини сўрасангиз, оёққа тургунича у госпиталда қанча шифокорлару, ҳамшираларнинг мурувватини кўрди. Жангдачи?! Дўсти, командири ҳаёқулов ўқувчиларга жанг таассуротларини ҳикоя қилаётиб, халоскорлари —рус аёлларини миннатдорчилик билан тилга олди. Ўзбек жангчисининг жанговар фаолиятидан ҳикоя қилувчи мақола «Заря» газетасидан ўрин олди. Мақолани ўқиган 84 ёшли Мария ва 57 ёшли Ксения Коленковалар Ҳаким Бобоқуловни қидириб топишди.

— Биласанми Аким, ўша куни биз сендан бошқа яна уч йигитни ҳам жанг майдонидан олиб чиққан эдик, — деди ўзаро суҳбатда ўша кунларни эслаб Ксения.

— Сени кўраман деб сира ўйламагандим, — кўзларига ёш олди Мария хола. — Ишқилиб орқамда қолинглар. Қизим Ксениянинг Ўзбекистонда қиёматли бир акаси борлигидан хурсандман...

Ҳаким аканинг халоскори Мария Коленкованинг оғзидан эшитган сўнгги сўз бўлди бу. Унинг вафоти ҳақидаги хабарни эшитиб, оиласи билан Котельниковга етиб борди. Ўз жамғармасидан унинг қабрига ёдгорлик тоши ўрнатди. Ёдгорликка «Сиз ўлим чангалидан қутқариб қолган жангчи ўғлингиз Ҳаким Бобоқуловдан» деган сўзлар ёзилган.

Ҳаким ота ҳар гал қабристонга келиб, қабр тоши устига гул қўйганда Мария холанинг бир гапи ёдига тушади. Ушанда Мария хола қизи билан Самарқандга уникига меҳмонга келишганди. Ҳаким ака меҳмонларга Самарқанд обидалари, ёдгорликларини томоша қилдирди.

— Биласанми, Аким, бундай ёдгорликларни фақат гўзал қалбли кишиларгина ярата олади, — деганди Мария Коленкова. Сиз ўзбеклар эса бу фазилатга жуда-жуда бойсиз...

Бу ҳокисор рус аёлларини бир ўзбек йигити тақдирига, қалбига ҳеч ким зўрлаб тиқиштиргани йўқ. Бу дўстлик замирида ҳамма миллатлар ва элатлар учун умумий бўлган оддий инсоний туйғулар ётарди, холос. Мен Котельников билан Самарқанд алоқа йўллари муҳри босилган хатларни кўздан кечираман. Бу ёзишмалар шу қадар самимийки, бунақ она билан ўғил, ака билан сингил ўртасидаги мулоқотни эслатади. Ксения хола қалбидан Ҳаким амакини, Ҳаким ака тақдиридан Мария ва Ксенияларни ажратиб бўлмайди...

Социализмни, Октябрь революциясини тафтиш қилаётган мухолифларимиз кичкина нуқсонларимиз устидан кулиб, ўнглаб олса бўладиган камчиликларимиздан айюҳаннос солмоқдалар. Ахир, уларнинг ўзлари ҳам ана шу социализм берган буюк инъом — дўстлик риштаҳаридан ва шу дўстона қўллар биргалашиб эришган ғалаба ва тинчлик йилларимиздан баҳраманд бўлаётирлар-ку!

Ҳа, Ҳаким ака Бобоқуловлар бошқа тоифа одамлар. Улар кўнглида қанот ёйган шукроналик, ҳаётга, яшашга чанқоқлик ва яшаш бахтидан миннатдорчилик ҳисси ана шу ғалаба ва Тинчлик туфайли эканини яхши биладилар. Шунинг учун ҳам тинчлик сўзини кўзларига суртиб, ғалаба байроғини бошлари узра кўтараётирлар.

Азиз, отахонлар! Осойишта ҳаёт, ғалаба ва Тинчлик ҳамиша бошингизга соябон бўлсин.

Дилбар МАҲМУДОВА.

ЙЎЛОВЧИ ПОЕЗД ТОШБЎРОН ҚИЛИНМОҚДА

Самарқанддан Москвага қатнайдиган йўловчи поезди Ғарбий Қозоғистон темир йўлининг Коровулкелди бекати яқинидан ўтаётганида доим милиция ходимлари ҳамроҳ бўлишмоқда.

...Май кунларининг бирида поезд ана шу кичик бекатда турганида унга бир нечта маҳаллий маст йигитлар чиқиб олишди. Улар проводникка ҳужум қилишди, кучлари етмагач эса ўч олишга қасд қилишди. «Қасоскорлар» дарҳақиқат поезд Москвадан қайтаётганида яна унга чиқиб олишди ва проводниклар билан уришиб, поезднинг жўнашини қирқ уч минут кечиктирдилар. Йўловчилар икки безорини ушлаб, милицияга топширишда ёрдамлашдилар. Шу жанжал чоғида бир нечта дераза тош отиб синдирилди. Бунинг устига, маълумотларга қараганда, вагонлардан бирига қарата икки марта ўқ узилган. Ўқларнинг бири ғилдирак ғупчагига, иккинчиси деразага теккан.

— Ҳозир тергов олиб бориляпти, — деди Актюбинск линия милицияси бўлими бошлиғининг ўринбосари Н. Картанов. — Байганин район ички ишлар бўлими бекатда навбатчилик қилиш учун милиция ходимлари ва дружиначилардан иборат қўшимча наряд ажратди. Лекин фожиа юз бермаслиги учун йўлларда кўз-қулоқ бўлиб туришимизга тўғри келяпти.

Юз берган ҳодисанинг объектив сабаблари ҳам бор. Коровулкелди посёлкасидаги ёшлар ғирт бекорчи. Уларнинг кўнгил очадиган бирдан-бир машғулоти — бу ерда тўхтайдиган пассажир поездларини кутиб олишдир. Бунинг устига проводниклар кўпинча чайқовчилик билан шуғулланишади. Бу маҳаллий аҳолининг уларга муносабатини яхшиламайди. Демак, можароларни келтириб чиқарадиган муҳит, афсуски, сақланиб қоляпти.

К. НАВРИЗБОЕВ,
Г. ИСОҚОВ,
ТАСС мухбирлари.
АКТЮБИНСК.

СПОРТ

СОВРИНЛАР ВА ЎРИНЛАР

● ШАХМАТ. Жаҳон чемпиони Гарри Каспаров Францияда ўтказилган халқаро турнирда ғалаба қозонди. У ҳал қилувчи учрашувни англиялик Н. Шорт билан ўтказиб, ютуққа эришди.

● ФУТБОЛ. Жаҳон чемпионатига ҳозирлик кўраётган Жанубий Корея командаси ўртоқлик учрашувларида имконияти ларини чамаламоқда. Бу команда Москва спартакчилари билан иккинчи марта учрашиб, 3:1 ҳисобида мағлубиятга учради.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
1990-1991 ўқув йили учун

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар қуйидаги муддатларда қабул қилинади:
— КУНДУЗГИ ЎҚИШГА — **25 июндан 15 июлгача;**
— СИРТҚИ ЎҚИШГА: **1-давра кирувчилар учун — 23 майдан 21 июлгача;**
— **2-давра кирувчилари учун 2 июлдан 23 июлгача.**

Кундузги ва сиртқи бўлимларда қуйидаги ихтисослар бўйича мутахассислар тайёрланади: иқтисодий ва ижтимоий планлаштириш; молия ва кредит; нарх-наво ташкил топиши; меҳнат иқтисоди ва социологияси; бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолияти назорати ва таҳлил қилиниши, моддий ресурсларни бошқариш ва ишлаб чиқариш воситалари улгуржи савдосини ташкил қилиш; савдо ва умумий овқатланиш иқтисоди ва уларни бошқариш; статистика; иқтисодий кибернетика (фақат кундузги); иқтисодий информатика ва автоматик бошқариш системалари (АБС — фақат кундузги); халқаро иқтисодий муносабатлар (фақат кундузги).

Институтнинг Андижон филиалида кечки ва сиртқи ўқишга ҳужжатлар 1 июндан 9 августгача қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул қилинади: иқтисодий ва ижтимоий планлаштириш; молия ва кредит; меҳнат иқтисоди ва социологияси; бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолияти назорати ва таҳлил қилиниши.

Кириш имтиҳонлари қуйидаги муддатларда бошланади: Тошкент шаҳрида:
— КУНДУЗГИ БЎЛИМГА — **16 июлдан;**
— СИРТҚИ БЎЛИМГА 2 ДАВРАДА: **1-давра — 1 июлдан, 2-даврада 25 июлдан.**
Андижон филиалида 10 августдан.

Кириш имтиҳонлари ва ўқитиш барча мутахассисликлар бўйича ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Иқтисодий ихтисосликларнинг барча ўқув турларига кирувчилар қуйидаги кириш имтиҳонларини топширадилар: математика (ёзма), жамиятшунослик (оғзаки), ўзбек (рус) тили ва адабиёти (ёзма), иқтисодий информатика ва автоматик бошқариш системаси мутахассислигида математика (ёзма ва оғзаки), ўзбек (рус) тили ва адабиёти (ёзма), халқаро иқтисодий муносабатлар мутахассислигида — математика (ёзма), жамиятшунослик (оғзаки), ўзбек (рус) тили ва адабиёти (ёзма), чет тили (оғзаки).

Ўрта мактабни олтин (кумуш) медалга ва ўрта махсус ёки ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан тугатган абитуриентлар жамиятшуносликдан (оғзаки), иқтисодий информатика ва АБС ихтисослигида — математикадан (ёзма), халқаро иқтисодий муносабатлар ихтисослигида — чет тилидан (оғзаки) имтиҳон топширадилар. Улар «беш» баҳо олган тақдирда қолган имтиҳонлардан озод қилинадилар ва институтга қабул қилинадилар, «тўрт» ёки «уч» баҳолар олинган тақдирда қолган имтиҳонларни ҳам топширадилар.

Ўрта махсус ўқув юртини имтиёзли дипломга ва танланган ихтисослик бўйича бир йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлган ва сиртқи ўқишга кирувчи шахслар кириш имтиҳонлари ўрнига ўз мутахассислиги, математика ва жамиятшунослик бўйича суҳбатдан ўтадилар. Мазкур абитуриентлар ўзлари ишлайдиган корхона ва ташкилот, шунингдек кооперативлар билан институт ўртасида мутахассисларни тайёрлаш харажатларини қисман тўлаш тўғрисида тузилган шартномага эга бўлишлари керак.

Ўқишга кирувчилар қабул қондаларига асосан қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: институтга қабул қилиш тўғрисида ректор номига ёзилган ариза, ўрта ёки махсус маълумоти тўғрисида ҳужжат (асл нусхаси), катталиги 3х4см. 6 та фотосурат, соғлиги тўғрисидаги тиббий маълумотнома (086/У формада), меҳнат дафтарчасидан кўчирма (меҳнат стажига эга бўлганлар учун), охирги иш ёки ўқиш жойидан характеристика шарт эмас.

Паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий рўйхатда турганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар шахсан кўрсатилади.

Қўшимча маълумотлар қуйидаги манзил бўйича олиниши мумкин: 700063, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 183, телефон 45-45-89.

Г. С. ТИТОВ НОМИДАГИ ЖУМҲУРИЯТ ОЛИМПИЯ РЕЗЕРВЛАРИ БИЛИМ ЮРТИ
1990-1991 ўқув йили учун
8-11 СИНФЛАРГА ВА 1 КУРСГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти юқори малакали спортчиларни, Совет Иттифоқи терма командаларига номзодларни тайёрлайди.

Мактабдаги ўзлаштириши бўйича ижобий баҳоларга спортда юқори кўрсаткичларга эга бўлган йигит-қизлар 8-11 синфларда ўқиш учун конкурс кўригида иштирок этишга қўйилади.

Ўрта маълумотга эга бўлган СССР ва жумҳурият терма командаларига номзодлар 1 курсга (ўқиш икки йил) **қабул қилинадилар.**

Билим юртини спорт йўналишидаги ихтисослари қуйидагилардан иборат: эркин кураш, классик кураш, велосипед спорти (трекда пойга қилиш), спорт гимнастикаси ва бадиий гимнастика, оғир атлетика, сузиш, ўқ отиш, енгил атлетика, қиличбозлик футбол.

8-синфдан бошлаб ўқувчилар спорт ва бадиий гимнастика, сузиш, велосипед спорти (трекда пойга қилиш) бўлимларига қабул қилинади. Спортнинг бошқа турларига 9-синфдан бошлаб қабул қилинади.

Таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқувчилар спорт формаси ва овқатланиш билан, бошқа шаҳардан келганлар-ётоқхона билан таъминланади.

Билим юртининг тўлиқ курсини битирганларга спорт бўйича тренер-ўқитувчи малакасини бериш билан бирга ўрта махсус маълумот олганлиги тўғрисидаги диплом ҳам берилади.

Билим юрти негизида 1990 йил 1-10 июнь кунлари абитуриентлар билан олдиндан суҳбат ўтказилади.

Ўқувчилар сафига қабул қилиш — 1990 йилнинг 15-20 август кунлари ўтказилади.

Ўзингиз билан бирга спорт ташкилотининг йўлланмаси, саломатлигингиз тўғрисидаги тиббий ҳужжат, спорт формаси, малака дафтарчангизни олиб келишингиз лозим.

Конкурс кўригида иштирок этиш учун йўл кира, овқатланиш, жойлашиш билан боғлиқ харажатлар ота-оналар ҳисобидан бўлади.

Билим юрти манзили: 700173, Тошкент шаҳри, Ҳ. Турсунқулов кўчаси, 38-уй. Г. С. Титов номидаги Жумҳурият олимпия резервлар билим юрти. Телефонлар: 78-47-65, 78-38-14. 4 ва 9-трамвайларнинг «Кўрлар клуби», 13, 70, 116-автобусларнинг «Шошилинч ёрдам шифохонаси» бекатлари.

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРЛИГИ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

Институтга киришни хоҳловчилар учун 25 ва 26 май кунлари соат 15.00 дан бошлаб Очиқ эшиклар куни ўтказади.

Институт адреси: Тошкент шаҳри, 15 а/б, Космонавтлар проспекти-45, (Метронинг «Ойбек» бекати)

«Ўзбекистон» нашриёти жамоаси кекса матбуотчи, муҳаррир ва таржимон

Шариф ТОЛИПОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти жамоаси бош муҳаррир ўринбосари М. З. Зокировга акаси

Маҳмуд Мусаевич МИРҲАМИДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат тиббиёт институти стоматология факультети жамоаси биринчи жарроҳлик стоматология кафедраси ассистенти М. В. Убайдуллаевга акаси

Давронбек БУРХОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат педагогика институти маъмурияти ва тарих факультети жамоаси Янги тарих кафедраси катта ўқитувчиси М. Абдураҳмоновага онаси

Зуҳранисо РАҲИМХЎЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Р. — 04663. № 117. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12